

# МАХТУМКУЛИ ШЕЪРИЯТИДАН

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг. ~~назаридати~~  
Тошкент — 1976.

**С (Турк.)**  
**М 32**

**Тузувчи: Халқаро Фирдавсий**  
**мукофоти лауреати**  
**Шоислом Шомухамедов**

**Таржимон: Жуманиёз Шарипов**

**Махтумқули.**

Танланган асарлар.

Т., Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1976.

156 б. расм. Луғат: б. 155—156.

Махтумқули. Избранные произведения.

**С (Турк.)**

**70403—3**  
**М М—357 (06)—76**

**© Издательство ЦК КП Узбекистана, 1976.**



## РАЙГОН<sup>1</sup> АЙЛАДИ

Қайғу-ғамда азиз умрим сўлдириб,  
Шум фалак азобим райгон айлади;  
Ёзган китобларим селга олдириб,  
Кўзларим йўлида гирён айлади.

Ғафлатда у душман олди элимни,  
Тарқатди ҳар ёнга дўсту тенгимни,  
Беш йил бўйи ёзган китоб-шеъримни  
Қизилбошлар олиб, зайрон айлади.

Бир нечамиз қўлибоғли қўл бўлиб,  
Нечалар пиёда сарғайиб-сўлиб.  
Кимни бериб, унинг баҳосин олиб,  
Ҳар кимга белгили баҳо айлади.

Шум фалак азобин менга билдирди,  
Йиғламоқдан гўл юзларим сўлдирди.  
Қўл ёзма китобим селга олдирди,  
Душманнимни Жайхун дарё айлади.

Нечалар дунёда бўлди бир киши.  
Нечанинг томоғин тўйдирмас оши,

---

<sup>1</sup> Райгон — бекор, абас, бефойда.

**Нечанинг мотамдан қутулмас боши,  
Кеча-кундуз вояйлато айлади.**

**Куйдилар шум фалах жабру жафоси,  
Ишонманг, ёлгондир аҳди вафоси,  
Маҳтумқули, йўқ бу сўзнинг хатоси,  
Фала: алиф қаддим дуто айлади.**

## НАЙЛАЙИН

Кўнглим истар, кезсам экан оламин,  
Қанотим йўқ, учолмайман, найлайин!  
Уқийман, кўраман барча каломни,  
Маъносини ечолмайман, найлайин!

Кўплар ўнда ғаввос бўлиб сузарлар,  
Менга аён, халқдан пинҳон кезарлар,  
Гул боёда гулгун шароб эзарлар,  
Қўл узатиб ичолмайман, найлайин!

Уй тошиндан шароб исин нўш қилдим,  
Кетди ақлим, ўзим билмай, жўш қилдим,  
Маст бўлдимۇ дарчасига дуч келдим,  
Рухсат бўлмай, очолмайман, найлайин!

Йўл йўқотдим, тоғ қайси-ю, туз қайси,  
Уқмас дилим: маъно қайси, сўз қайси;  
Фаҳим етмас, йўл қайси-ю, из қайси,  
Умид узиб қочолмайман, найлайин!

Махтумқули, бу дунёнинг номусин,  
Йиғиб-туғиб, елга бердим ҳаммасин!  
Фикр дарёсига ақлим кemasин —  
Ботирмишман, чиқолмайман, найлайин!

## БОҒЛАР, ҲЕЙ!

Қисмат қўймас кетсам узоқ йўлларга,  
Насиб қўймас, кетар йўлим боғлар, ҳей!  
Мажнун каби ҳайрон чиқай чўлларга,  
Бориб маскан тутай сизни, тоғлар, ҳей!

Қайта-қайта ўғлонликнинг раъидан,  
Етиб келдим, комилликнинг пойидан,  
Ботди бошим, чиқолмайман пойидан,  
Ёдга тушар бурун кезган чоғлар, ҳей!

Жоҳилликда тўрт тарафга етишган,  
Билмасликда хом ишларга қотишган,  
Ожиз қолиб, қарилликка етишган,  
Ўз-ўзидан дардга қолиб йиғлар, ҳей!

Маъни олган Махтумқули сўзидан,  
Уйга ботар, ёшлар оқар кўзидан,  
Ҳамма нарса ўзгаради ўзидан,  
Ёраб, йиқилмасин буюх тоғлар, ҳей!

## КЕЛМАДИ

Юки-кўчи билан кетди Абдулла,  
Ҳамма кетган келди, булар келмади,  
Маматсафо кетди ёрдам бермоққа,  
Узатганлар келди, булар келмади.

Онасидан бўлак ётмас болалар,  
Ёраб, кўрган борми булардан эллар?  
Утиб кетди қанча-қанча ой-йиллар,  
Ойлар, йиллар келди, булар келмади.

Ҳасратдан сарғайди заҳар тотганлар,  
Ҳақин олим келди қўй ҳайдатганлар,  
Олти ойлик йўл — Каъбага кетганлар —  
Ҳожи бўлиб келди, булар келмади.

Йироғу яқинга бориб келганлар,  
Бормикин буларни кўриб-билганлар,  
Ҳиндистонда бозоргонлик қилганлар  
Молни сотиб келди, булар келмади.

Йўлиқдимми дўлга ё тегди бўрон,  
Бирин юрти билан айлади вайрон,  
Бирисининг ёри кутади ҳайрон,  
Кўзи йўлда қолди, булар келмади.



**Махтумқули, дарди қўямас ётмоққа,  
Йўли билмас сўраб-сўраб кетмоққа,  
Ердан жавоб чиқмас хабар тутмоққа,  
Кўрган-билган борми, булар келмади.**

## ОЗОДИМ ҚАНИ!

Фалак, излар эдим, сен дүчор бўлдинг,  
Кўзимнинг равшани — Озодим қани!  
Юрагим сўғуриб итларга бердинг.  
Шаҳримнинг султони — Озодим қани!

Шакар эди, заҳар бўлди сўзларим,  
Заъфаронден сарғайибдир юзларим,  
Қувват кетди, хираланди кўзларим,  
Минбарим азони — Озодим қани!

Тупроқлар сел бўлди, селлар қум бўлди,  
Хумлар жом бўлди-ю, жомлар хум  
бўлди,  
Ҳавас мотам бўлди, пешам ғам бўлди,  
Юрагим армони — Озодим қани!

Армоним йўқ фалак, бир саваш қилсам,  
Ё йиқсанг, енгилсам, ё бошинг олсам,  
Итларга ташласам ё бозор солсам,  
Бағримнинг райҳони — Озодим қани!

Қулоқлар эшитгач, бари қар бўлди,  
Тоғлар эриб оқди, тошлар ер бўлди,  
Муллалар қуръонсиз, пирлар кўр бўлди,  
Соҳиблар қўрғони — Озодим қани!

**Ернинг юзин қора туман айладинг,  
Айтгил, фалак, кимни омон айладинг?  
Фирогияни, боқ, бемон айладинг,—  
Номусим, илониим — Озодим қани!**

## ИЗЛАМАЙИН БҮЛАРМИ!

Гар каклик олдирса жўжа—боласин,  
Сайрай-сайрай изламасдан бўларми!  
Гар булбул йўқотса гулин, лоласин,  
Ҳасратини сўзламасдан бўларми!

Ҳўтиги қўлидан кетса эшакнинг,  
Телмуриб тўрт ёнга излар ушоғин,  
Оқмоя олдирса ўз бўталоғин,  
Бағрин эзиб, бўзламасдан бўларми!

Бола сасин тинглар осиб қулоғин,  
Тўка-тўка кўз ёшининг бўлоғин,  
Оқ жайрон олдирса қўлдан ўлоғин,  
Маърай-маърай, кўзламасдан бўларми!

Айрилиққа одам ўғли нўйласин!  
Ким қолар кўрмайин ажал ҳийласин!  
Махтумқули, ҳайвон билса боласин,  
Инсон бағрин тузламасдан бўларми!

## БУ ДАРДНИ

Сайр айладим, кездим ишқинг тоғидан,  
Не балодир, ким чекар, бас, бу дардни!  
Ишқ тоғин оссалар кўкнинг бўйиндан,  
Кўк титрайди, кўтаролмас бу дардни.

Ишқ всар этмаса ёнмас чироғлар,  
Ишққа тушса, бўри инграр, қуш йиғлар,  
Эгилар ҳайбатли, қувватли тоғлар,  
Тошлар эрир, чека билмас бу дардни.

Кимдир ишқнинг юкин тортган мардона,  
Фалак кўрди — қўрқиб тушди гардона,  
Олам жунбуш уриб, келди ларзона,  
Чўллар, қирлар чека билмас бу дардни.

Жаннат қочиб чиқмиш аршнинг бағрига,  
Дўзах қўрқиб тушмиш ернинг қаърига,  
Қочди дарё, олди одам бўйинига  
Тўрт юз йиллаб чека билмас бу дардни.

Махтумқули, чексанг дардни тубидан,  
Осий бўлиб, зорланмагил бу кундан,  
Улмак-тирилмак ҳам қолибдир ўндан,  
Падар бизга этмиш мерос бу дардни...

## НАМАСАН

Асли сөни кўрмаганман, дилдорим!  
Қумримисан, булбулмисан, намасан!  
Ғамгин дилни хаёлингда алдарман,  
Боғ ичинда гул-гулмисан, намасан!

Қароқчими, ё сандми, хўжами,  
Ё соқийми, ё шаробми, ё жомми,  
Ё йилмисан, ё кундузми, кечами,  
Ё оймисан, ё кунмисан, намасан!

Ё мушкмисан, ёки чамбил, ё анбар,  
Айтолмайман, ё чархмисан, ё чамбар,  
Дарёмисан, ё мавжмисан, ё савсар,  
Гирдобмисан, тўлқинмисан, намасан!

Олтинмисан, кумушмисан, зармисан,  
Ё аршмисан, ё қурсмисан, ермисан,  
Ё ёқутми, ё маржонми, дурмисан,  
Ё чироғми, ё зиёсан, намасан!

Махтумқули, кеч номусу орингдан,  
Қўлингни торт бу вафосиз, корингдан,  
Жаҳон тўла, сен ғофилсан ёрингдан,  
Ё мастмисан, ё шайдосан, намасан!

## КҮРДИНГМИ

Егду сочар — кетар зүлмат тунда,  
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?  
Баҳор айёмида, наврӯз кунда  
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми!

Анқо сифат «ҳув» деб кўкка учган қуш,  
Кечаси тирикдир, кундузи беҳуш...  
Навойи жандалик!<sup>1</sup> Эгни хирқапўш<sup>2</sup>,  
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми!

Қон эгибдир фалак бағрим фироқда,  
Доимо кезарман ёр деб сўроқда,  
Каъба тарофида, Шомда, Ироқда,  
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми!

Ошиқпар оҳида, Кулзум баҳрида,  
Қутбаил-исломда, Жайхун наҳрида,  
Садро саҳросида, Исо шаҳрида  
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми!

Ҳазрат Али этгач оламга даъви<sup>3</sup>  
Қофдан Каъба кетди ҳазратнинг чави<sup>4</sup>,

---

<sup>1</sup> Ж а н д а — кийим.

<sup>2</sup> Х и р қ а п ў ш — хирқа кийган.

<sup>3</sup> Б у е р д а даъво маъносида.

<sup>4</sup> Ч а в а — элчи.

**Е иқлим эгаси — Аҳмад Яссавий  
Меннинг соҳибжамолимни кўрдигми!**

**Маскан тутмиш қора тоғнинг бурнида,  
Алининг мулкида, Исо ўрнида,  
Ернинг орқасида, кўкнинг қўйнида  
Меннинг соҳибжамолимни кўрдигми!**

**Махтумқули чекар ёрнинг гамини,  
Кезиб топа билмас рўйи заминни,  
Е оти Жабронл, ҳақнинг амини!  
Меннинг соҳибжамолимни кўрдигми!**



## ЮРГИНГ КЕЛАДИ

Гўзал бордир гўзаллардан зиёда,  
Унинг хизматида тургинг келади,  
Адабли, икромли, хушхулқ, озода,  
То ўлгунча бирга юргинг келади.

Гўзал бордир — узун бўйли, ёқимли,  
Қоронғи кечада тушар ёлқини,  
Сўзлаган сўзлари бари бол каби,  
Қайда бўлса, топиб олгинг келади.

Гўзал бордир — кунда кўрсанг арзийди,  
Қора зулфин кунда ўрсанг арзийди,  
Хазинангни тўкиб берсанг арзийди,  
Унинг савдосида бўлгинг келади.

Гўзал бордир — сирка босар бошини,  
Артмас-ювмас товоғини дошини<sup>1</sup>,  
Сийламайди қарисини, ёшини,  
Унинг хизматидан қочгинг келади.

Гўзал бордир — оқ қоғоздай билаги,  
Жон ичида бирга бўлар юраги,

---

<sup>1</sup> Дош — қозон.

Шундай гўзал асли мардинг кераги,  
На ҳожат истаса бергинг келади.

Махтумқули, сии<sup>2</sup> керакдир гўзалга,  
Ҳарна қисмат бўлса, тортар азалга,  
Дунё молин харж эт яхши гўзалга,  
Емонинг ёнидан қочгинг келади!

---

<sup>2</sup> С и н — синаш.

## АРМОНИМ

Дардли дилбар, тиллашайлик, кел бери!  
Тўлиқдир менинг ҳам дилда армоним.  
Мен ҳам истар эдим сендай бир ёрим,  
Сени сўраяпман, йўқдир ёлғоним!

Кенгаш қилдим, бегона-ю танишлар—  
Додиларки: «Бол ахшига келишар»,  
Саҳар пайти қилганимда нолишлар,  
Фақат бир ёр менинг эсга олганим.

Билганга ўхшайсан қиймат дурга сан,  
Танимасга олиб, боқма ерга сан,  
Тантри қисмат этса, мента тегасан,  
Сенсан менинг ёрим, сенсиз ўлганим!

Ҳар дилбарким кўнглим ўйин ёритар,  
Ётган бахтим ул ярадан ҳоритар,  
Қарғишим тошларни мумдай эритар,  
Ниҳолдай ўсади олқиш қилганим.

Сенинг кўркинг кўкда кундан кам эмас,  
Гул ҳидлаган тўйдим демас, бас демас,  
Махтумқудк, жон бермаса, бахт келмас,  
Сенсан моҳрим бериб, назар солганим!

## ОШИҚ БҮЛМИШАМ

Эй ёронлар, бир юзи гул, ойга ошиқ бўлмишам,  
Барчанинг мақсуди — гул раънога ошиқ

бўлмишам.

Булбулиман боғ аро — гавгога ошиқ бўлмишам,  
Узи ғойиб, зулфлари ялдога<sup>1</sup> ошиқ бўлмишам,  
Манзилим боғ ичрадир, сахрога ошиқ бўлмишам.

Қалбим ичра ёр ғамидир, манзилим сахрода, ҳай,  
Тортишим ғам-ғуссадир, ўхшайман у Фарҳодга,

ҳай.

Солди ишқинг, дилрабо, жонү жигарини ўтга, ҳай,  
Водарифо, кечди умрим, зоя бердим бодга<sup>2</sup>, ҳай,  
Оқи кўл, афғони кўп барнога ошиқ бўлмишам.

Билмадим не баҳрдир, бас не муаззам тоғдир,  
Олди кўнглим, кетди ақлим, тан мудом носоғдир,  
Нисбат этмак бўлмас асло, қумри, булбул, зоғдир,  
Алғараз ҳар зулфига етмиш минг эр банд-боғдир,  
Қадди қомати баланд зебога ошиқ бўлмишам.

Дўст ҳавойи васлини мен чанди-чандон истарам,  
Доми зулфинг қасдида мен банди эиндон

истарам.

---

<sup>1</sup> Я л д о — тим қора.

<sup>2</sup> Б о д — шамол, ел.

Дема, гамдан бир замон кўнглимни хандон  
истарам.

Бир ғариб ошиқману, ёр, сени сендан истарам.  
Кеча-ю хундуз билкиг, ду-хога ошиқ бўлмишам.

Истамас ёрим мени, ул ёрга зорим йўқ менниг,  
Қолмишам ҳайрону зор, ўзга мадорим йўқ  
мениг,

Олди жоним ишқинг ўти, ихтиёрим йўқ менниг.  
Келса, ақлимни олар, кетса, қарорим йўқ менниг,  
Ғамзаси ўқ, қошлари ул ёга ошиқ бўлмишам.

Айтади Махтумқули, мен унда қонга учрадим,  
Сайр этиб бордим фалакдан, ломаконга учрадим,  
Чун мени расво қилибдур, беамонга учрадим,  
Етмиш кккк шаҳр ипа минг бир дўконга учрадим,  
Шунча саргардон, сафил, бежога ошиқ  
бўлмишам.



Бу фикрдан, бу хаёлдан тош<sup>1</sup> бўлиб,  
Нафси қаво макридан мен бўш бўлиб,  
Ул бозорда ишқ — қароқчи дуч бўлиб,  
Бутун жондан умид узмоқчи бўлдим.

Қона-қона ичдим дўстнинг захрини,  
Заҳрин шифо билсам, солмас меҳрини,  
Танада қурилган кўнгил шаҳрини —  
Ишққа навкар бўлиб, бўзмоқчи бўлдим.

Махтумқули, у манзилга, диёра  
Кирган қайтиб чиқа олмас нанора.  
Ёронлар, бу дардга борми бир чора!  
Қоврилиб-ўрганиб, кезмоқчи бўлдим.

---

<sup>1</sup> Тош бўлиб — узоқ бўлиб.

## БҮЛДИ

Кўнглим бердим бир бевафо маҳбубга,  
Чикди қўлдан, доғи жонга дард бўлди.  
Ошиқ дер: боқмайман энди ул хубга,  
Йўл устида тушди кўзим тўрт бўлди...

Манманликда этдим ишимни зоя,  
Иқболим отини ботирдим лоя,  
Е бир мардга дуч қил, ёки худоя,  
Банда иши бош тутмади, қайт бўлди.

Туйғуним тўр бўлиб, қочди сайёддан,  
Гавда ғамдан безор, юрак ҳам ўтдан,  
Қўрқаман: ёр бизни чиқарар ёддан,  
Бошқа жойда маскан тутди, юрт бўлди.

Гўзал қўл бермади, солдим бозимни,  
Лочин қувди, қарға олди гозимни,  
Шунча фақирликка ўрдим ўзимни,  
Тулкисимон кездим, отим ғурт<sup>1</sup> бўлди.

Мехтумқули, юрагимда дард турар.  
Ким кўртанки, қўй ёнида ғурт турар.  
Эй ёронлар, мард йигитдан мард туғар,  
Номардликдан қачон чиқиб мард бўлди!

---

Ғурт — бўри.



## БҮЛДИМ ЭНДИ

Севги ўтига тушдим, парвона бўлдим энди,  
Шавқинг чўғида кўйдим; бирёна бўлдим энди,  
Жисмим кабоб бўлди, гирёна бўлдим энди,  
Ганж<sup>1</sup> истоганлар келсин, вайрона бўлдим энди,  
Айрилдим гайрилардан, бегона бўлдим энди.

Чиқардим бошдан энди дунё ҳавасин мутлоқ,  
Қайси тўшакка кўйдинг оёқ, ўзингга бир боқ,  
Кўл бўлиб, елга соврил, ү гўзарда жонинг ёқ,  
Лозим бўлди ўқимоқ аналҳақу миналҳақ<sup>2</sup>  
Май ичиб майхонадан мастона бўлдим энди.

Дунё монга кўлмади, мен ҳам баҳра олмасман,  
Утим ўткир, дардим кўп, хушвақт бўлиб кўлмасман,  
Қиймат баҳо оламни олти пулга олмасман,  
Дўст қайси, душман қайси, фарқин сира билмасман,  
Ҳеч кимса билмас ҳолим, сўзона бўлдим энди.

Бир мақомга дуч бўлдим шунда мен ўйга ботдим,  
Жон унда бежон бўлди, ҳушидан кетиб ётди,  
Жасад йўлда йўқ бўлди, кўнгил ўзин унутди,

---

<sup>1</sup> Ганж — ҳазина, бойлик.

<sup>2</sup> Ан алҳақу мин алл ҳақ — айни ўзи ҳақ (худо тўғрисида).

Ишқ қўшин йиғиб келиб, ақл мулкни тўзғитди,  
Талонга бериб ақлим, девона бўлдим энди.

Махтумқули, ҳар замон, майлайин бўлмай гирёни  
Фикр балчиғига ботдим, чиқолмасдан мен ҳайрон,  
Гавдам — хароб, тан — тупроқ, кўнглимнинг шаҳри  
вайрон,

Жон-жасад, тил ақлдан айрилиб, қолдим урён!  
Иш келди бошга тушди, мардона бўлдим энди.

---

<sup>1</sup> Урён — яланғоч.

## ДИЛБАРНИНГ

Кўзим тушди сайргоҳда, қардошлар,  
Дўзахдек гуркирар нори<sup>1</sup> дилбарнинг,  
Камондек эгилмиш қайрилма қошлар,  
Кўргану кўрмаган зори дилбарнинг.

Узи эмас одамзоднинг боласи,  
Қулогин тинчитмас ошиқ ноласи,  
Жамолин бир кўрган ҳайрон қоласи,  
Барқ урар кўзида нури дилбарнинг.

Нурафшондир қуёш каби жамоли,  
Ҳеч кимга ўхшамас, васфи, камоли,  
Оламда тенги йўқ қоши ҳилоли,  
Мисолидир жаннат ҳури дилбарнинг.

Ёнида қурдилар суҳбату созини,  
Чақириб тинглангиз шу дилнавозини,  
Осий қулим дебон келар овози,  
Учган каби бизнинг сари дилбарнинг.

Ул дам руҳсат берди, кирдим боғига,  
Билоҳир учрадим ҳижрон доғига,

---

<sup>1</sup> Н о р — ўт-олов ва анор.

Ел төгар, тарқалар гүл ёноғига  
Қоп-қора зулфининг тери дилбарнинг.

Исрофил сур чолса ёлғон жаҳона,  
Жон қолади на яхши, на ёмона,  
Бир нафасда қўпер охир замона—  
Агар келар бўлса қаҳри дилбарнинг.

Юрагимда ёнган ҳижрон кўзидир<sup>1</sup>,  
Эркимга қўймаган ёрнинг тўзидир<sup>2</sup>.  
Қардош — туққани йўқ, ёлғиз ўзидир,  
Ҳеч йўқдир рақиб, ёри дилбарнинг.

Ошиқлар ёш тўкар кўздан гирён,  
Айланар, чарх урар, югурар ҳар ён,  
Махтумқули, жоним йўлида қурбон,  
Тиласа жонимнинг бари дилбарнинг.

---

<sup>1</sup> Кўзидир — бу ерда чўғидир, маъносида.

<sup>2</sup> Тўзидир — чангидир.

## ЭЙ, ДУСТ

Сенсиз кўзимга ҳаргиз кўринмас жаҳон, эй дўст,  
На жаҳон, балки танда гар бўлса юз жон, эй дўст.

Дўстларингга бу феълинг бевафолик эмасми!  
Жонга жабринг орттирдинг очганда забон, эй дўст!

Улки рўхсоринг кўриб, кўнгли, қаддингдан яра,  
Жон бермай қутулмоқ йўқ ҳеч унга имкон, эй дўст!

Васпингга умид тутган узмиш кўнглини жондан,  
Кўзинг—жаҳон жаллоди, қошингдир камон, эй дўст!

Дастури замон будир мазлумларга лутф этгил,  
Шавқинг ўти авж олса, бергайсан омон, эй дўст!

Умидли ошиқларга васл умидини ман эттинг.  
Ошиқларга жабр ўндан бўлмагай, осон, эй дўст!

Махтумқули — бир махлуқ, мен ошиғу сен машшўқ,  
Гар десанг, керагинг йўқ, борайин қаён, эй дўст!

## КЕТСАНГ

Дедим: «Юзи тобоним». Деди: «Гўё Менглихон!»  
Дедим: «Қўйдинг армонга». Деди: «Кўнгилдир  
вайрон».

Дедим: «Уларман энди». Деди: «Қоларсан омон».  
Дедим: «Киприкларнинг ўқ». Деди: «Қошларим  
камон».

Дедимки: «Либос киймиш». Деди: «Тўни зарафшон».

Дедим: «Юзда холлар бор». Деди: «Юзда гуллар,  
хай».

Дедим: «Қумри забондир». Деди: «Шаҳддир тиллар,  
хай».

Дедим: «Кел, хабарлаш». Деди: «Сезар эллар, хай».

Дедим: «Ул не сарвдир». Деди: «Нозик беллар,  
хай».

Дедим: «Товус не жойдини». Деди: «Жойи —  
Ҳиндистон».

Дедим: «Кечанг қоронғу». Деди: «Уйқуда ойим».

Дедим: «Кимлар ясовул!» Деди: «Кипригим—ёйим».

Дедим: «Қайда масканинг!» Деди: «Ломакон  
жойим».

Дедим: «Зарафшон зрури». Деди: «Кавсардир  
лойим».

Дедим: «Ундан бер менга». Деди: «Истармиш  
бежон».

Дедим: «Бу не тўғундир!» Дедими: «Қора морлар».

Дедим: «Қўрқаман ундан». Деди: «Элу юрт зорлар».

Дедим: «Сўзинг аслини». Деди: «Сўрар, туярлар».

Дедим: «Сирни фош этдинг». Деди: «Айтмиш  
айёрлар».

Дедим: «Улим бор сенга». Деди: «Сенга ҳам  
фармон».

Дедим: «Эй Махтумқули!» Деди: «Кўзлар ёш бўлар!»

Дедим: «У не йигитдир!» Деди: «Сизга бош бўлар».

Дедим: «Яқиндир Каъба!» Деди: «Эсини тош бўлар».

Дедим: «Яхши замондир». Деди: «Бу ҳам туш  
бўлар».

Дедим: «Энди кетарман». Деди «Кетсанг, бор омон».

## ТҮҒРИСИ

Эшит, пари, ошиқ бўлдим  
Мен аввал бошдан, тўғриси;  
Бир йўл кўрмай мойил бўлдим,  
Кўз билан қошдан, тўғриси.

Кўнглимнинг хуш чоғи сенсан,  
Бутун олам шоҳи сенсан,  
Етти фзлак моҳи сенсан,  
Сел оқди ёшдан, тўғриси.

Юзинг Зулейҳонинг кўрки,  
Айланар фалакнинг чархи,  
Бипдирмас одамнинг фарқи,—  
Синогда ташдан, тўғриси.

Қиз олинар қалин билан,  
Одам сўлар зулм билан,  
Насибадир ўлим билан  
Тикнар ташвишдан, тўғриси.

Тиллар яхши, ёмон сочар.  
Ҳар кишидан даврон кўчар,



Номард йигит айбин очар,  
Сездириб тишдан<sup>1</sup> тўғриси.

Кундузга кун, оқшомга ой,  
Дарё лаби хушманзил жой,  
Ичар бўлса ҳар киши май,  
Кетармиш ҳушдан, тўғриси.

Қолмақолдан бало келар,  
Яхши-ёмон бари билар,  
Биров йиғлар, биров кулар,  
Кун чиқар чошдин<sup>2</sup>, тўғриси.

Яўлбарс гурлар сой ичида,  
Қурғлар юрар лой ичида,  
Ғариб бўлса бой ичида—  
Оқарар сочдан, тўғриси.

Гар, Фирогий, ҳамроҳ бўлсанг,  
Ночорларнинг кўнглин олсанг,  
Яхши билан ўйнаб юрсанг,  
Айрипмас ҳушдан, тўғриси.

---

<sup>1</sup> Ташқи кўринишидан.

<sup>2</sup> Чошдин — чошгоҳ вақтидан.

## ҲАЁ

Менглихоним қўлин тишлаб,  
Биздан ҳаё қилади-я.  
Гоҳ тараниб, гоҳ товланиб,  
Биздан ҳаё қилади-я.

Ошиқ, қулоқ солгин сўзга,  
Ҳора зулф ярашар юзга.  
Сурма қўйиб қора кўзга,  
Биздан ҳаё қилади-я.

Бошида яшил рўмоли,  
Қайдам, надир ёр таёли,  
Кўз солиб ёвмут, аҳалли,  
Биздан ҳаё қилади-я.

Иқбол келмас юрай десам,  
Йўқдир молим берай десам,  
«Оч юзинг!» деб кўрай десам,  
Кулиб ҳаё қилади-я.

Кўришайлик, Менглихоним,  
Юрак бағрим, ширин жоним,  
Фирогий дер: «Дин-имоним —  
Йўқ, деб ҳаё қилади-я.

## БҮЙЛАРИНГГА

Юрсанг, ёрим, қувонаман  
Сарви қомат бүйларингга;  
Гулдак либос ярашибдир  
Соғ-саломат бүйларингга.

Мен булбулга айлаб озор,  
Ширин жоним олдинг, нисор  
Зулайҳодан қолган зиннор  
Бўлсин ҳожат бүйларингга.

Кўрсам ҳуснинг йўқ армоним,  
Сенсиз хазон бўлсин жоним.  
Иқболим, диним-имоним —  
Қилсам ҳурмат бүйларингга.

Кўрган ошинқ фидо бўлар,  
Эл-юртидан жудо бўлар.  
Махтумқули, гадо бўлар —  
У каромат бүйларингга.

---

<sup>1</sup> Нисор — жонни бағишламоқ маъносиде.

## КЕРАКМАС

Фалак, менга мол берарсан, ул ганжи-кон керакмас,  
Гўзал ёрим кўрмасам гэр, фоний жаҳон керакмас.

Боққа кириб найлайин мен қулф ўрган анбарини,  
Булбулим есир қилибсан, гўзал райҳон керакмас.

Элим-юртим хору зордир, келсин дўлат лашкаринг,  
Динни ҳадар айлабсан-ку<sup>1</sup>, ажаб қурьон керакмас.

Бизнинг элининг шоҳ, гадоси, фалак, сенга юк бўлар,  
Ҳар ким ўзига султондир, хону султон керакмас.

Бу заминни парзон қилиб, осмон, жунбуш виладинг,  
Охир замон сари сурдинг, моҳитобон керакмас.

Мажлис қилар бўлди бу кун эли юртнинг барчаси,  
Келмагин сен, бас бош қўшиб, бизга маҳмон  
керакмас.

Қилгил ўрмимизни зиёд, даркор эмас бошқаси,  
Бу ажойиб чоғларимда ажал паймон керакмас.

---

<sup>1</sup> Динни беҳор этибсану.

Чарх устида бино қилиб, бизларни сен жойладинг,  
Қойил бўлай бу жойингга, аммо гардон<sup>1</sup> керакмас.

Ҳар кимга сен бахш этибсан яхши-ёмон бир гулни,  
Ул гуллардан бошқа бизга соҳибни жон керакмас.

Махтумқули, сен сўзлагил, дейди мардлар мажлиси,  
Сен бахшисен бу мажлисда, бошқа дoston керакмас.

---

<sup>1</sup> Гардон — фалак, осмон маъносида.

## **БОРМИ, ЁРОНЛАРИ**

**Ишқ йўлини ҳавас айлаб,  
Келган борми, ёронлар!  
Дардими баён этсам,  
Олган борми, ёронлар!**

**Бўлибман масту шайдо,  
Юз устига-минг савдо.  
Оламда мендай расво  
Бўлган борми, ёронлар!**

**Ташим — дард, ичим бирён,  
Нола қиламан гирён,  
Менингдай масту ҳайрон  
Қолган борми, ёронлар!**

**Елгон дунёни бўйлаб,  
Айлангил кулиб-ўйнаб,  
Ишқ қозонида қайнаб,  
Улган борми, ёронлар!**

**Ишқ дуч бўлса, бир мардга,  
Айланар тўзон-гардга,**

Менингдай ўзин дарадга  
Солган борми, ёронлар

Етти ҳолим ўлимга,  
Тоб этмайин зулмга,  
Йиғламайин ҳолимга —  
Кулган борми, ёронлар!

Махтумқули, жон чекса,  
Раҳм этмаслар, ёш тўкса,  
Ишқинг йўлида, йўқса,  
Толон борми, ёронлар!

## ФИҒОНИМ БОР

Опам, сенга арзим айтсам,  
Мекинг ўтли фиғоним бор;  
Ҳеч тугалмас қишў ёзда,  
Аршга айтар достоним бор

Жудо бўлдим мен отамдан,  
Иби-Амин Бани жондан,  
Найлайин мен, бу фиғондан  
Очилмаган хазоним бор.

Мен найлайин, қўлим боғли,  
Юрагим ҳам юз минг доғли,  
Бўйним занжиру сиртмоғли,  
Кўнглимда минг армоним бор.

Қайдам, жаннат ҳуримидир,  
Йўқса, асли паримидир,  
Еки гавҳару дурмидир,  
Кўнглимда минг армоним бор.

Юзин кўрганлар мастондир,  
Таврифи неча достондир,





### АЙРИЛДИМ

Булбулман, оҳу зор чекиб,  
Тоза гулзордан айрилдим;  
Кўздан қонли ёшим тўкиб,  
Ул севар ёрдан айрилдим...

Ёрга ярашар уч муча<sup>1</sup>,  
Сифатин сўйлайин анча.  
Лабн шакар, оғзи гунча,  
Ул зулфи тордан айрилдим.

Ширин жонда йўқдир тоқат,  
Жабри унинг жонга роҳат,  
Қошлари фитнайи офат,  
Чашми хунхордан айрилдим.

Айрилдим гунча-гулимдан,  
Қора сочли сунбулимдан,  
Хушовозли булбулимдан,  
Ширин гуфтордан айрилдим.

---

<sup>1</sup> Муча — йил ҳисоби.

Телба кўнглим орзумони,  
Барча гўзалларнинг хони,  
Саккиз жаннатнинг бўstonи,  
У — мавзордан айрилдим.

Элларни бор кўк увотли,  
Салқини сувлик, яшил ўтли.  
Юрти гўкларинг, Менгли отли  
Нозли дилдордан айрилдим.

Махтумқули ошиқ-мастон,  
Бағишлаб шаънига достон,  
Мавзилгоҳи боғу бўston,  
Олма-анордин айрилдим.

## Ё ЖАББОР

Жон ҳалқумга келди, ёндим, ёрилдим,  
Бағишласанг нетар ёрни, ё жаббор,  
Нечоғлик сезишдим, беваж айрилдим,  
Бағишласанг нетар ёрни, ё жаббор.

Сўзлашардим, сирлашардим ёр билан,  
Юрагимда ёр хаёли бор билан,  
Лекин ҳозир айирдилар зўр билан,  
Бағишласанг нетар ёрни, ё жаббор.

Ихлос билан севгандим мен у ёри,  
Уртанди жигарим, кетди қарори.  
У унда оҳ чекар, мён мунда зори...  
Бағишласанг нетар ёрни, ё жаббор.

Борди пинҳон-пинҳон ширин сўзимиз,  
Бўлган ишга ҳайрон бўлдик ўзимиз,  
Зориқиб боқмоқдан тўймас кўзимиз,  
Бағишласанг нетар ёрни, ё жаббор.

Сўзим сенга етмас арзим этмоққа,  
Ишимнинг ривожини йўқдир этмоққа,

**Дилбар дарди қўямас мени ётмоққа;  
Бағишласанг нетар ёрни, ё жаббор.**

**Махтумқули, дунё эски жаҳондир,  
Севишмаклик бу дастури замондир,  
Гуноҳим кўп бўлса, қарамнинг қондир,  
Бағишласанг нетар ёрни, ё жаббор.**

## БҮЛМАСА

Ҳар ким гўзалман дер, эътибор бўлмас,  
Сунбул сочи, қилча бели бўлмаса;  
Юраклари от бошидек ботирлар  
Хотинча-мас от-яроғли бўлмаса.

Нелар кўражандир бу шум кўнгиллар,  
Хазон ўрса, сўлар очилган гуллар,  
Бог ичра сайрашган шайдо булбуллар,  
Тўрғайча-мас қўнар гули бўлмаса.

Қушлар уча билмас қуйруқ, қанотсиз,  
Ошиқ ёрга өтмас доду фарёдсиз,  
Бир бедов хоназот бўлар сиёқсиз —  
Қуйруғи, кокмили, ёли бўлмаса.

Махтумқули, билгин шундай замондир,  
Ҳозир хайри бўлса, сўнгра зиёндир,  
Эр йигитнинг кўнгли тўла армондир,  
Қора кўз, нозик бел ёри бўлмаса.

## ҚАРАМАС

Авалло мол яхши, молдан бош яхши,  
Бош давлатни топган молга қарамас;  
Нодон бир ўғилдан ёт бир ёш яхши,  
Нодон ўғил отасига қарамас.

Отда оёқ бўлса, ўзга син бўлмас,  
Эрда ғайрат бўлса иши қийинмас,  
Уруш кунн йигит бўйин товламас,  
Тикка борар, ўқу ёйга қарамас.

Ёр-дўстдан қочарлар одам оч қолса,  
Ёр ёрдан айрилар номлож қолса,  
Ёмон хотин яхши йигитга дуч келса,  
Бошини тарк этар, молга қарамас.

Кўхна дунё муҳаннасининг<sup>1</sup> уйидир,  
Судхўр бўлганпарнинг дўзах жойидир,  
Олтин-кумуш кўзларининг мойидир,  
Мард йигитлар бузук жойга қарамас!

Дунё кўрки — нозанинлар, не жонлар

---

<sup>1</sup> Номард.

Недонга йўлиқди гўзал жононлар.  
Ердан қолган, эри ўлган жуваонлар—  
Мард йигитни кўзлар, бойга қарамас.

Махтумқули гариб кўнглини бой этиб,  
Қаноат ўлкасини банди — жой этиб.  
Ҳар ким ўз ёрини тўлғин оя этиб —  
Ойини кўзлар, бошқа оёғга қарамас.



## ЧИҚАДИР

Ҳақ тало, ахир бу нә аҳволдир,  
Тиниқ деб ичганим қумли чиқадир;  
Неча айёр, шум ва ўжар иқболдир,  
Ҳалол деб ичганим жимли<sup>1</sup> чиқадир.

Кимса сирим билмас, ўзини ўлдирса,  
Шақир бандаларга тангри билдирса,  
Элга шодлик, шодмонлик келтирса,  
Менга ҳамроҳ бўлган гамли чиқадир.

Омухтаман ўртанмоққа, пишмоққа,  
Киши йўқ сўзлашиб, дард айтишмоққа,  
Овул четидан борсам уй сўришмоққа,  
Ё полдир, ё оғзи мумли чиқадир.

Мендан шиква этар қўли керганим,  
Ғалвирдан шол чиқар сирим берганим,  
Пир деб этагига қўлим урганим,  
Тебранганда девдан дамли чиқадир.

Махтумқули, ҳисоби йўқ кўрганим,  
Тама этиб, умид қўлин керганим,  
Овулига эркак-ку деб борганим —  
Этагига қўл урсам... чиқадир.

---

<sup>1</sup> Ҳаром маъносида.

## ЧИЛИМ

Дўстларим, душман билинг, ҳар кимсада бордир  
чилим,

У билан дўстлашманг асло, лаънати кордир  
чилим,

Сўзлайин ҳоли дами бир опи<sup>1</sup> ё мордир чилим,  
Тортар ўзин-ўзига афсунчи зингардир чилим.  
Қайда бўлса аҳли фосиқ, ўртада бордир чилим,

Тушгач ул мажлис аро, кимки чекар, бемор этар,  
Қўл билан алдаб сени, ҳар дам ўзига зор этар,  
Соғ-саломат қўймоғин энди ўзига ор этар,  
Қўл-оёғин шол этиб, халқ ичра бешак хор этар,  
Бу сифатлар бирла ул, чекмангки, бадкордир  
чилим.

Қаҳ-қаҳ айлаб ҳар замон ул кўргазар бад рўйини,  
Бурнингизга искатар, сяманг ўшал бад бўйини,  
Эй мүсупмонлар, ҳа:оп деб қилмангиз ҳеч ўйини,  
Охиратнинг ўйин этсанг тез қўйинг бу ўйинни,  
Охиратнинг ўйин этмасларга даркордир чилим.

Ҳар киши хушҳол бўлибдир чимү, лом, мим отига,  
Нега фикр этмас ўшал ким бу папиднинг зотига,

<sup>1</sup> О п и — катта илон.

Миндирар гўё уни ҳар дамда шайтон отиға,  
Сеҳр этиб ҳар лаҳзада тортар ўзининг зотиға,  
Чунки бадкорлар сўзида доимо бордир чилим.

Қур-қур айлаб, ҳар саҳар ул оғзидан ўтлар сочар,  
Ҳар кишининг ақли бўлса бунча бадбўдан қочар,  
Ким уни қўлга олар бўлса, унга кўксин очар,  
Эътиқод этса ҳалол, деб, дини исломдан қочар,  
Дини исломдан кечарга бир сабабкордир чилим.

Шунча душмандирки, охир бошингиз бебош этар,  
Вақтинг етмай сўлдириб, бу жисмингизни лош<sup>1</sup> этар,  
Қайғу-ҳасрат йўқ экандир, кўзингизни ёш этар,  
Ҳар замон дуд юттирар ҳам ўпкангизни тош этар,  
Асти гофил бўлмангизлар, шунча бадкордир  
чилим.

Эй ёронлар, манъ қилмишдир они бизга аҳад<sup>2</sup>,  
Фикр этиб, зикр айлади ким халқаро Абдусамад<sup>3</sup>,  
Табдил этмак манъ қилинган ишни бизга  
на ҳад!

Кимки мункир бўлса, они олдида бордир лаҳад,  
Айтади Махтумқули, бу бандага нордир чилим.

---

<sup>1</sup> Л о ш — ўлакса, жасад.

<sup>2</sup> А ҳ а д — худо.

<sup>3</sup> А б д у с а м а д — шайхлардан бири.

## ЭЙ, НОСКАШ

Гўё бу дунёга келдинг-келмадинг,  
Кўп йиғламоқ мудом ишинг, эй носкаш;  
Шариат йўлидан хабар олмадинг,  
Қолар дўзах ичра лошинг, эй носкаш!

Бир отим деб ҳар эшикка йўртарсан,  
Кўлга қоқиб, уч мисқолин отарсан,  
Бурун қоқиб, ёнбошингга суртарсан,  
Ҳаром бўлар усти бошинг, эй носкаш!

Намоз ўқиганда устингга оқар,  
Унинг учун минг йил дўзахда ёқар.  
Охирида сенинг тутуинг чиқар,  
Қабул бўлмас кўзда ёшинг, эй носкаш!

Нос чекканлар ҳар нарсани чоқ<sup>1</sup> этар,  
Яхши, ёмон қилган ишини хок этар.  
Оқар-тушар, уст-бошини булғатар,  
Сендан кечар тенги-тўшинг, эй носкаш!

Кўзингни ёшартиб, меҳринг қондирар,  
Хўмор қилса, имонингни ёндирар.

---

<sup>1</sup> Чоқ — тахмин.

Таом есанг, товоғингни тўлдирар,  
Заҳар бўлар ичган ошинг, эй носкаш!

Бир одамни кўрсанг, писиб қочарсан,  
Нафасинг кесилиб, оғзинг очарсан,  
Хумор қилса, ўғил-қиздан кечарсан,  
Хайрон бўлар қўни-қўшининг, эй носкаш!

Қирққа борганингда мияннга чиқар,  
Бу ширин жонингни дўзахда ёқар,  
Умрингни ўт айлаб, бурнингга тикар  
Заҳматдан тўкилар тишинг, эй носкаш!

Махтумқули, ўлгандан сўнг биларлар,  
Жаноза ўқимай, бурнинг тиларлар.  
Сақар<sup>1</sup> деган жойга сени соларлар,  
Қандай бўлар унда ишинг, эй носкаш!

---

<sup>1</sup> Сақар — дўзах.

## ҚОН ЧИҚАР

Гар олса ҳолимдан хабар,  
Қуруқ ёғочдан қон чиқар,  
Иқболимин инсон агар  
Билса, жасаддан жон чиқар.

Қорун<sup>1</sup> қилиб мопин адо,  
Юз жон этар бўлса фидо.  
Кун шамъидан бўлиб жудо.  
Нурин қўйиб пинҳон чиқар.

Ҳеч англамай зеру забар,  
Гар топса оллодан асгр.—  
Алифдан, бедон беҳабар,  
Беш дамда бир қуръон чиқар.

Жабр этди Жамшид жонига,  
Етарди мавдан қонига,  
Юз йил ўқиб поёнига  
На Зол, на-да Луқмон чиқар.

Мен ҳам Фирӯғий ул қадар  
Ақлимни қилдим дарбадар,  
Бир ҳунарли топса хабар —  
Қанот боғлаб, осмон чиқар.

---

<sup>1</sup> Қорун — афсонавий бир бой.

## БҮЛМАСА

Замона шундайдир, кўзга илмаслар,  
Ҳар йигитнинг қўлда бори бўлмаса.  
Тилладек сўзинг бир пулга олмаслар,  
Ҳар кишининг эътибори бўлмаса.

Тан бир тор қафасдир, жон бир ваҳшидир,  
Тилга келган сўзлар кўнгил нақшидир.  
Угли, сўгли тамуг ундан яхшидир,  
Ҳар шаҳарнинг бир бозори бўлмаса.

Дунёда онглидан онгсизи кондир,  
Билмаслар балодир, билганлар жондир.  
У йигитлар одам тилли ҳайвондир —  
Сўз ўқмаса, яна иқроор бўлмас.

Йигитга йўқчилик ёмон балодир,  
Сўзини тенг-қурдан четга соладир,  
Ёмон қилиқ дўстни душман қиладир,  
Қуриб кетсин эл даркори бўлмаса.

Ҳақ ҳар кимга яхши ёр бармагандир.  
Сўзи аччиқ, ичи тўла армондир,

Юз йил яшаб, беш кун умр кўрмагандир,  
Ҳар кимнинг муносиб ёри бўлмасв.

Махтумқули, ҳаққа топшир ўзингни,  
Ҳар номардга сарғайтирма юзингни.  
Уғитим бор, кел, тарк қилғил сўзингни,—  
Нега керак, таридори бўлмасв!



## КЕЛГАЙ

Мусулмонлар қилич урса  
бир-бирига<sup>1</sup>

Давлат кетиб, динлар нуқсонга  
келгай.

Зулм айлаб, бир-бирини олса асирга,  
Фалак бۇ фикрдан пўшмонга келгай.

Бир-бирини чопмоқ эмас эрликдан,  
Бу иш шайтонийдир, балки,  
кўрликдан.

Оғзолалик<sup>2</sup> айрар элни бирликдан,  
Мунда давлат кетиб, душманга  
келгай.

Тингла маскан тутган киши чўлларда,  
Марҳамат камайса улуг элларда,  
Халқ устнга кулфат тушиб йилларда,  
Хасталик кўпайиб, қасд жонга келгай.

Сўзимни тинглагил, олғил қулоққа,  
Муродим — насиҳат этмакдир халққа.

---

<sup>1</sup> Бир-бирига.

<sup>2</sup> Оғзолалик — бирлашмаганлик.

Қозиси англамас, беги пәс ўлка —  
Емгир ёғмай ерлар парзонга келгай.

Ёмонни қўлламоқ — шайтоннинг кори,  
Қаҳрини ютмоқдир раҳмоннинг кори,  
Кўпайса ҳар элнинг сарк-саркори,  
Низомлар бузилиб, вайронга келгай.

Парвардигор ўзи фақирга паноҳ,  
Ул фақир ким бўлса тилимда сано,  
Қайси вилоятда кўпайса зино<sup>1</sup>,  
Замин жўнбуш айлаб, парзонга келгай.

Махтумқули, турсам сўзим сочмоққа,  
Англамаслар, юз тутарлар қочмоққа,  
Ҳар эл одат қилса шароб ичмоққа,  
Ул юртда хавф-хатар дармонга келгай.

---

<sup>1</sup> Зино — бузуқлик.

## ЕТМАС

Йўқчилиқда кечаларнинг даврон  
Етмб, яхши кўрган тушига етмас.  
Нечалар ҳасратда топадир ноқим,  
Бир лаззатли таом тишига етмас.

Сўрар бўлса, сийнам ичра сўзлар бор,  
Минг тумандан яхши неча юзлар бор.  
Емғурсиз-ғиёсиз неча ёзлар бор,  
Хушлик билан кечган қишига етмас.

Донолар бор, бошга боғлаб кечерлар,  
Гар кўнгилдан сўрасанг, маъни  
сочарлар.

Адмоқликда ўзин беэаб кечалар, —  
Бошига ўраган пешинга етмас.

Уғил-қиз ранжитса она-отасин,  
Таваба қилмай тангрим кечмас хатосин.  
Даврон келса билмас на иш тутасин,  
Ҳар кимнинг бир иши бошига етмас.

Нечалар мол топмас, танги даст<sup>2</sup> бўлар,  
Нечалар бор, бойлигидан маст бўлар.

---

<sup>1</sup> Пешини — салланинг учи, уч қисми.

<sup>2</sup> Танги даст — қўли қисқа.

Нечалар бор, йигитликда нест<sup>1</sup> бўлар,  
Нечалар бор, сурган ёшига етмас.

Махтумқули, гарчи ишим намоздир,  
Кўнглим паришондир, саҳвим дароздир<sup>2</sup>,  
Одам бор, минг тўман едирсанг оздир,  
Одам бордир, еган ошига етмас.

---

<sup>1</sup> Нест бўлар — йўқ бўлар.

<sup>2</sup> Саҳвим дароздир — хатойим кўп, катта.

## БҮЛАР

Муҳаммад уммати молсиз бўлмасин,  
Молсиз бўлса, қавму қардош ёт бўлар.  
Қочар оға-ининг, бўлмас хотиранг,  
Душманларинг шоду дўстинг мот бўлар.

Ғариб оёқяланг, чандир белбоқдир,  
Маъракага борса ўрни пойгақдир<sup>1</sup>,  
Фақирлар от миниб тепса — эшакдир,  
Давлатлилар эшак минса — от бўлар.

Бир тилак тиласанг, керагин битмас,  
Дўстинг ихлос билан марҳамат этмас,  
Маъракада айтган сўзинг жой тутмас,  
Тингламаслар, айтган сўзинг ёт бўлар.

Кўраш бир обрў-ю уруш бир дастдир,  
Кишини камситган ўзи ноҳасдир,  
Доноларга ғийбат этмак абасдир,  
Ғийбатчининг оқибати ўт бўлар.

Махтумқули, шукур этгил худога,  
Улим баробардир шоҳу гадога,  
Бесабр қул тез йўлиқар балога,  
Сабрли қул бора-бора шод бўлар.

---

<sup>1</sup> Пастдир, пастдадир.

## ТОПИЛМАСА

Тўқ талашар сабза<sup>1</sup> хилъат<sup>2</sup> киймоққа,  
Шолча гўзал нарса, тўн топилмаса,  
Оч урунар қуруқ нонни емоққа,  
Мушкул, пиширишга ун топилмаса.

Ҳосил умиди бор экин экканга,  
Бу ишлар маълумдир меҳнат чекканга,  
Ялангоёқ тўзмас-босмастиканга<sup>3</sup>,—  
Не қилсин киймоққа кўн топилмаса.

Йигитликда ҳар киши ишратда яйрар,  
Бошига келар, ё келмас бу ўйлар,  
Тишсизлар нон топса чорасин айлар,  
Мушкулдир сулрада нон топилмаса.

Махтумқули, суймас жадални, жангни,  
Охиратга кетди кўп дўсти-тенги,  
Дунёда на иш бор, бўлмаса сўнгги,  
Машаққатдир танда жон топилмаса.

---

<sup>1</sup> Сабза — яшил.

<sup>2</sup> Хилъат — кийим.

<sup>3</sup> Босмас тиканга — Ботинмайди.

## КЕЧДИ ЗАМОНА

Эй оғалар, йиғларман, келди — кечди замона,  
Емон олди жаҳонни, келмас типпи имона,  
Кўп фақирлар йиғлашиб, келар ундан омона,  
Истаги бор, тез вақтда барҳам топса замона,  
Яхши қадри бўлмаган ўтди даври ёмона.

«Не «сафоли» кунмишки, тенг-тўшла бош  
қўшмаган,  
Бошинг олдинг, қувилдинг, на дўст билдинг,  
на душман,  
Эй ёронлар, фойда яўқ, сўнгра этсанг минг  
пушмон,  
Дунёсига етишмай, ўғил-қизга ўлашмай,  
Не «ҳузурли» кунмишки, бўлиб кетсак девона.

Бормагин хомхаёлга: «дунёга келган ўлмас»,  
Келган ўтар дунёдан, битта ҳам омон қолмас,  
Жонлар чекиб чақирсанг, тўғри йўлга ҳеч келмас,  
Ҳар на бўлса ютарлар, ҳалолу ҳаром билмас,  
Дерлар: «Ҳақдир Муҳаммад, ишонамиз қуръона».

Даврон, қандай давронсан, ғариб йиғлар,  
эл тиммас,  
Золимнинг зулми ортар, кўнглига раҳм нимас,  
Жаҳонни ёқди-кетди, ёмонинг ўти сўнмас,

Муҳаммад ҳурматига ер ёрилмас, кўк энмас,  
Чарх бу ишга қувонар, бўлмас охир замона.

Ғофил қолдим, ёронлар, ўз-ў-зимдан риштим<sup>1</sup> йўқ,  
Ҳақдан бошқа ҳеч ерда паноҳим, йўқ пуштим йўқ,  
Фикр баҳрига ботдим, елканим йўқ, киштим<sup>2</sup> йўқ,  
Маҳтумқули, чиқмоққа яйловим йўқ, даштим йўқ..  
Қўлим берсам, тутар йўқ, тушдим тубсиз уммона

---

<sup>1</sup> Р и ш т а — ип, боғич.

<sup>2</sup> К и ш т — кема.



## ҚОЧА БОШЛАДИ

Энди билдим замонанинг озганин,  
Емонлар яхшидан қоча бошлади,  
Қайта бад асллар аслзодани  
Писанд этмай, тўрга кўча бошлади.

Риё бўлда кўп ўқиган намози,  
Тангри ҳеч биридан бўлмади рози,  
Пайғамбар ўрнида ўлтирган қози  
Пора учун қўлни оча бошлади.

Шоҳларда қолмади ҳукми адолат,  
Бир пул учун муфти берар ривоят,  
Бил, бу ишлар нишонайи қиёмат,  
Золимлар бетавба ўта бошлади.

Фақирлар хўрланиб, юзин сарғайтиб,  
Ким жўрасин топиб, рангин қизартиб,  
Золимлар мазлўмнинг белин қабартиб,  
Қамчисидан қонлар соча бошлади.

Олимлар сўзига амал бўлмади,  
Мунофиқлар яратганин билмади,  
Сўфилар пиридан таълим олмади,  
Дунё<sup>1</sup> учун диндан кеча бошлади.

---

<sup>1</sup> Бу ерда, молу дунё маъносиди.

Бир бўлак сўфилар: «сўфиман» дейди,  
Жирканмас, золклар таомин ейди,  
«Бизни яхши киши, десинлар» дейди,  
Ҳар эшикда ҳалқа қура бошлади.

Қарига айланди биз кўрган ёшлар,  
Ташланди оёққа биз кўрган бошлар,  
Бемаҳал юк ортиб энди чарчашар,  
Охират қасдига кўча бошлади.

Оқип бўлган тамда юрагин эзиб,  
Дардининг дармонин сўроқлаб-кезиб,  
Замонанинг бузуқ бўлганин ёзиб,  
Фанодан бақога кўча бошлади.

Бенасиб бекларнинг навбати ўтди,  
Қайта фитна, ҳаромига сўз етди,  
Дунёда ким қолиб муродга етди!  
Мўҳаббат чироғи ўча бошлади.

Қози бўлган бир жавобда турмади,  
Тунда меҳнат чекиб, китоб кўрмади,  
Шарнат йўлида тўғри юрмади,  
Нафс учун имонсиз ўта бошлади.

Махтумқули, айтар, доим йўл тани,  
Беш кун синамоққа юборди сани,  
Сендан ашшап ўтган жононлар қани!  
Ҳар ким навбатида ўта бошлади.

## БИЛИНМАС

Дардим бордир диёримдан, дазримдан,  
Хайр қайси-ю, эҳсон қайси, билнимас,  
Золимларнинг жафосидан, жабридан,  
Ислоҳ қайси, имон қайси, билинмас!

Суҳбатларда ҳақ каломин айтар йўқ,  
Мажлисида бир насихат қилар йўқ,  
Ҳалол қайси, ҳаром қайси, билар йўқ,  
Фойда қайси, зиён қайси, билинмас!

Халойиқда ибрат ҳам йўқ, кўрим<sup>1</sup> йўқ,  
Бойларида саховат йўқ, берим<sup>2</sup> йўқ,  
Аёлида уят, қизида шарм йўқ,  
Одоб қайси, аркон қайси, билинмас!

Кишининг молига кўзин илдирар<sup>3</sup>,  
Таассубда дилга гина тўлдирар,  
Бир-бирини ноҳақ ерда ўлдирар,  
Нурбат<sup>4</sup> қайси, омон қайси билинмас!

---

<sup>1</sup> Кўрим — интилиш.

<sup>2</sup> Берим — хайру эҳсон.

<sup>3</sup> Илдирар — суқланиб қарайди.

<sup>4</sup> Нурбат — қутулиш йўли, чора.

Махтумқули, жон маҳмондир, тана лош,  
Яхшига дўст кўпу ёмон беқардош,  
Бу айёмда бош оёқдир, оёқ бош,  
Яхши қайси, ёмон қайси, билимас!

## ОЯ-КУНИНГИЗ БОТМОҚҚА...

Олтамиш яшаб, етмиш кирган сўфилар,  
Оз қолибдир ой-кунингиз ботмоққа;  
Чўл ерларда ит нўрмаган тўлкилар  
Хаёл қилар ётган шерни отмоққа.

Қарга айтар: «Йўқдир мендаини шаҳбоз<sup>1</sup>,  
Минг қарга йиғилса бўлолмас бир гоз,  
Калтакесак кунни қаргаб қишү ёз —  
Шайланади аждаҳони ютмоққа.

Оқсоқ қийик юз бўрсиққа еткимас,  
Шер боласи минг тўлкига тутқимас,  
Улик илон минг келпозга<sup>2</sup> ютқимас,  
Ақл керак бу ишларга етмоққа.

Етмишида ёд этмаслар тавбани,  
Била туриб, ўрнатарлар каҳбани<sup>3</sup>,  
Мункирлар жам бўлиб, йиқди Каҳбани,  
Язид кетди оғочларин сотмоққа.

---

<sup>1</sup> Шаҳбоз — лочин.

<sup>2</sup> Келпоз — калтакесак.

<sup>3</sup> Каҳба — фоҳиша.

Кўрмиг бу айёмни, фалак гардиши,—  
Фақирга зулм этмак бўлди ҳар иш,  
Ҳақ йўлида тўғри юрган дарвишни  
Қўймадилар ўз ҳолига ётмоққа.

Юрагим сабрдан, кетди қарордан.

Базор бўлдим охир бундай дийрдан,  
Истаб қолдим бошим олиб кетмоққа.

Махтумқули, билдим: бахтим беваждир,  
Насибам, қисматим, иқболим каждир,  
Ниятим Каъбадир, ҳаёлим ҳаждир,  
Умидим бор ҳаж тавофики этмоққа.

## БОШЛАДИ

Нўмилди дарёлар, йиқилди тоғлар,  
Етимлар нўз ёшин тўка бошлади;  
Фоҳишадан бўлган ҳаромхўр беклар  
Юртин бир ёнидан йиқди бошлади.

Жамоатсиз азон бир қуруқ сасдир,  
Неча муллонинг ўқиган илм абасдир,  
Қозиларнинг қори чой билан носдир,  
Бир бузуқ нишона чиқа бошлади.

Эшонлар-ку ҳар эшикда топилар,  
Муллапарга йўқ гийбатлар ёйилар,  
«Авлиёман» деб бу жўғи сўфилар,  
Қийқириб, осмонга боқа бошлади.

Чиқар ибод билмай қизм, келним,  
Оқ юзига ёпар қора телини<sup>1</sup>,  
Қанча азоб билан йиққан пулини  
Маржондай ўзига тақа бошлади.

Дунёда сўдхўрнинг пул йиғмоқ дарди,  
Бойларнинг моллари безакот ўрди.

---

<sup>1</sup> Т е л — соч.

**Тавба қилмиг, кўзим бир ёмон кўрди.  
Дўст дўстин кўнгини ёқа бошлади.**

**Махтумқули, бошга ўраб салпалар,  
Оч бўридай, йўртиб неча муллалар  
Ҳалолдан-ҳаромдан йиғиб гаплалар,  
Топганин бўғзига тика бошлади.**



## ЙИҒЛАРМАН

Эй ёронлар, умримдан  
Кечди деб йиғларман.  
Кетди ақлим ўрнидан,  
Шошди деб йиғларман.

Кетган қайтмас йўлидан,  
Қолмас ёмон феълидан,  
Диёнат халқ дилидан —  
Учди деб йиғларман.

Ҳозир бизнинг замонда,  
Ёмон сўзлар забонда.  
Зулм ишлари жаҳонда —  
Жўшди деб йиғларман.

Бу айёмда бадкорлар  
Юз тил билан алдарлар,  
Қани, не-не дилдорлар,  
Кечди деб йиғларман.

Қанча содда тенгдошлар  
Шайтон йўлига бошлар,  
Юз ўгириб қардошлар,  
Қочди деб йиғларман.

Кўринг фалак ўйини,  
Узар олимнинг бўйни,  
Неча жонлар ер қўйни  
Қучди деб йиғларман...

Махтумқули, дер мардга,  
Дунё банддир<sup>1</sup> таи парда,  
Бу бошим соҳсиз дардга  
Тушди деб йиғларман.

---

<sup>1</sup> Б а н д — боғлиқ.

## УНДИРАДИ

Кимёни тупроққа сочсанг,  
Тупроқдан зар ундиради,  
Яхши ерга уруғ сепсанг,  
Юз баробар ундиради.

Яхши-ёмон бўлмас маълум,  
Ҳар ким билганига олим,  
Жаҳонга ўт қўйиб зопим,  
Йил-йилдан шарр ундиради.

Яхши йигит йўл йитирмас,  
Жаҳдн қисматдан кетирмас,  
Минг қайғу бир иш битирмас,  
Таваккал нар ундиради.

Бераринг бўлса ҳар қайда,  
Кўрган сенга бўлар банд,  
Бадқилқ одам ёнида  
Яхшилиқ эр ундиради.

Махтумқули, сўзлар сўзда,  
Ғайрат отда, ҳаё кўзда,  
Йил-йилдан бу юртимизда  
Зулм ортиб зор ундиради.

## ДҮНАР<sup>1</sup>

Улкада соҳиб бўлмаса,  
Арбоблар амирга дўнар;  
Уч йил шерга йўпиқмаса,  
Тўлки, қашқир шерга дўнар.

Зопим фалак ўйин солар,  
Кимга берар, кимдан олар.  
Ҳар кимга бир навбат келар,  
Улка оғир тўрға дўнар.

Шер ҳар чоқда бир ов отар,  
Дер: «Ким овимга қўл қотар!»  
Фил буржини фалакка тутар,  
Кари<sup>2</sup> кўрса, ҳамирга дўнар.

Ажал етар, одам тўймас.  
Даврон кечар, умр кўймас;  
Тўлки сарқитин шер эмас,  
Бир еса, заҳарга дўнар.

Дард юракда бир ўт бўлар,  
Сўз жаҳонда бир от бўлар.

---

<sup>1</sup> Дўнар — айланар.

<sup>2</sup> Карк — каркидон.

Фақирга ошно ёт бўлар,  
Мол топса ёт—ёрга дўнар.

Мардлар жангда — тўй ичида,  
Оч бўридир ҳўй ичида,  
Номард қурган уй ичида,—  
Борсанг, хира-хира дўнар.

Махтумқули, будир дардинг;  
Соҳибни керак ҳар юртининг,  
Шер зарбин кўрмаган гўрдининг  
Ҳар мурти бир тирга<sup>1</sup> дўнар.

---

<sup>1</sup> Т и р — ўқ.

## ЁМҒИР ЁҒДИР, СУЛТОНИМ!

Сен каби қодирдан тилак тилайман;  
Раҳминг келиб, ёмғир ёғдир, султоним!  
Ғарибман, ғамгинман, нолиш айлайман,  
Раҳминг келиб, ёмғир, ёғдир, султоним!

Қодир олло, тўқнил раҳмат борон<sup>1</sup>,  
Экиннинг ҳамдами, ернинг ёрон,  
Ернинг, кўкнинг, аршу кўрснинг субҳон,  
Раҳминг келиб, ёмғир ёғдир, султоним!

Булбуллар маст бўлсин, олам айилсин<sup>2</sup>.  
Қайгулар йўқ бўлсин, ғамлар соврилсин.  
Нуширавон вақтидай жаҳон ёйилсин,  
Раҳминг келиб, ёмғир ёғдир, султоним!

Олам тақдир кўзлар, қудрат фармони,  
Жаҳонни маст айла, чиқсин армони.  
Сендан битар дардлиларнинг дармони,  
Раҳминг келиб, ёмғир ёғдир, султоним!

---

<sup>1</sup> Б о р о н — ёмғир.

<sup>2</sup> А й и л с и н — ўзига келсин, уйғонсин.

Бечора бандангман, не бордир манда,  
Раҳм айлагин раҳмон, қарам кон санда  
Караминг бўлмаса, қолдик дармонда,  
Раҳминг келиб, ёмғир ёғдир, султоним!

Даргоҳдан тиланар нолишли қуллар,  
Муножотлар қилиб, очилар тиллар,  
Ёмонлик йўқолиб яйрасин эллар,  
Раҳминг келиб, ёмғир ёғдир, султоним!

Махтумқули, ишқинг айлар ирода,  
Камолга етизгил, қўйма орода,  
Етиргил барчани мақсад-мурода,  
Раҳминг келиб, ёмғир ёғдир, султоним!

## САНГИ ТОҒИ

Эй севдигим, Санги Тоғи,  
Баланд-балақд белинг сенинг.  
Душман кўрса, дездай бўлар  
Ёвмут, гўкларг элинг сенинг.

Кескин-кескин йўлинг кечар,  
Қирлар бағри кўнглинг очар,  
Салқин чашма сувинг ичар,  
Турли-турли молинг сенинг.

Турли-туман ўтнинг битар,  
Ҳар дарвинг бир элга етар,  
Қатор-қатор карвон ўтар,  
Шифобахшдир йўлинг сенинг.

Енбағирда яйлов кўрсак,  
От чоптириб, байроқ<sup>1</sup> берсак,  
Кенг майдонда хирмон қурсак,  
Нон бермак хаёлинг сенинг.

---

<sup>1</sup> Бу ерда мукофот маъносида.



Махтумқули сад<sup>1</sup> ошгандир,  
Бу даврон сендан қочгандир,  
Ўз ердан элинг кўчгандир,  
Қандай кечар ҳолинг сенинг<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> С а д — двар, тўсиқ.

<sup>2</sup> Бахшилар бу қўшиқни «Жонон ёрим» деб атайдилар. Сари бахшининг маълумотига кўра, Махтумқулининг юрти Сангги Тоққа эрон қўшинлари ҳужум қилганда, шоир яшаган ерини ташлаб, Қарриқалъага кўчишга мажбур бўлган. Бу қўшиқда унинг Сангги Тоғ билан хайрлашгани тасвирланган.

## БУЛАРМИ

Телба кўнглим, бир насихат айлайин,  
Жон демагил, бундай жонон бўларми!  
Бир сўзни ўринлаб сўзлай билмаган,  
Одам деган шундай инсон бўларми!

Муте бўлиб, ўз ўрнини тутмаган,  
Гавҳар олиб, бозорида сотмаган,  
От мяхиб, тўн кийиб, беклик этмаган,  
Эл қадри билгувчи султон бўларми!

Одам бордир одамларни буздирар,  
Шайтон бўлиб, тўғри йўлдан оздирар,  
Хатнинг, сўзинг кўча-кўйда кездирар,  
Жирканч улар, бунга гумон бўларми!

Махтумқули айтар: бу сўзим чўғдир,  
Мен ажаб этарман, ҳеч айби йўқдир,  
Китоб уққан қуллар маънидан тўқдир,  
Уларнинг қалбида шайтон бўларми!

## ЭНДИ

Қўрқа-қўрқа қийин аҳволга тушдик,  
Тақдир нима бўлса кўрилсин энди,  
Фикр қозонида қайнадик, пишдик,  
Төгма, қон жўш уриб тўкилсин энди.

Азал бошда жаббор бор этти йўқдан,  
Қанчани нурдан, кўпни тўпроқдан,  
Хабар келди, дўстлар, яқин-йироқдан,  
Ёвга бўри ўйини қурилсин энди.

Утирмасин кампир, ёшлар тўл бўлиб,  
Қолманглар, туркманлар, элга тил бўлиб,  
Душман аҳли мусулмонга қўл бўлиб,  
Олди Сангги Тоққа сўрилсин энди.

Кўз билан кўрдингиз, кўплар гадомир,  
Нечалар адашди, нечов фидодир,  
Эй ёронлар, қувват берар худодир,  
Али зўлфиқори сўтрилсин энди.

Ноҳақ тўкилмасин қизил қонимиз,  
Душманга қолмасин бутун номимиз,  
Ёдга олинг, омонатдир жонимиз,  
Тангрига зарур бўлса, барилсин энди.

Устимиздан душман ҳукм сурибдир,  
Мўмин бари жабру жафо кўрибдир,  
Угип-қизлар ҳар тарафга борибдир,  
Ҳаммаси у жойда сурилсин энди.

Фирогий юз тутар туркман элига,  
Душман қўл урмасин қизил гулига,  
Дўстлар, бизни охиратинг селига  
Ғарқ этмасдан рақиб қирисин энди.

## БЕЧОРАМАН

Ватанимда хон эдим,  
Хонларга фармон эдим,  
Дардларга дармон эдим,  
Мискинга макон эдим,  
Жонсизларга жон эдим,  
Найлай, энди бечораман.

Кўзсизлар кўзи эдим,  
Гунгларнинг сўзи эдим,  
Элимнинг юзи эдим,  
Маъшўқлар нози эдим,  
Ҳотами Тай ўзи эдим,  
Найлай, энди бечораман.

Эрам ичра райҳон эдим,  
Ватанга зарафшон эдим,  
Мард йигитга саман эдим,  
Тот бошида туман эдим,  
Фироғий дер: омон эдим,  
Найлай, энди бечораман.

## ТУРКМАН БИНОСИ

Қурганим аспида, билгил, бұ заманининг михидир,  
Эрүр ул эркин доимо, будир туркман биноси.

Тарки дунё айлайди, гар келса рақиб қошига,  
Бил, пўлатдан бинно бўлган, будир туркман қальаси.

Сўлаймон, Рўстам, Зол, Жамшид унга бўлмишлар гадо,  
Кунда юз минг солса лашкар, тегмас шохнинг балоси.

Тоғлар ундан олар таълим, лашкарни саф-саф турар,  
Ҳар солганда зўлфиқорин, ортар йигит ҳаваси.

Така, ёвмут, язир, гўкланг, аҳал эли бир бўлиб,  
Гар қилса бир жойга юриш, очилар гул-поласи.

Барча қизилбошни қўймай отди тоғ орқасига,  
Оқшому саҳар ётмаслар, келар улар ноласи.

Ҳар қадамда урса сайёд, бўлмайди у ҳеч дучор,  
Банди қилиб ола билмас тушмас туркман боласи.

Орифлари тез-тез келар, тўйи бордир ҳар замон,  
Марди-мардон сўзlidir, у йўқдир кўнгил тинаси.

Айтади Махтумқули, йўқдир кўнгилда бир ғубор,  
Ҳақ сийлаб қилмишдир назар, бордир унинг сояси.

## ФАТТОҲ

Эрон, Турон, энди қўлинг остида,  
Сургин энди бу давроним, сен Фаттоҳ!  
Барча туркман ўйнар чўлнинг устида,  
Тўкма, билгип, ноҳақ қонни, сен Фаттоҳ!

Бу кун шоҳсан, эрта гадо бўларсан,  
Элдан, кундан, тилдан жудо бўларсан,  
Бир кун жонинг чиқиб, фидо бўларсан,  
Судрашдасан кўп гуноҳни, сен Фаттоҳ!

Кўзим етар, билсанг, бошим оларсан,  
Ўки ҳар кун мени чоҳга соларсан,  
Мен ҳақ дедим, кўп гуноҳга қоларсан,  
Бу олишинг билан жоним, сен Фаттоҳ!

Сен туркманнинг эли, гулин сўлдирдинг,  
Қонлар тўкиб, гўзал юртим тўлдирдинг,  
Шаҳид бўлганларнинг бошин қопдирдинг,  
Унутарсан тахтиравоним, сен Фаттоҳ!

Халқнинг ўчи кўпдир, иқболнинг ёмон,  
Ё ўларсан, ё зиндондир, бетумон.  
Тахтинг синар, дема: қоларман омон,  
Чунки заҳар қилдинг номни, сен Фаттоҳ!

Фармонингдан талон түшди элларга,  
Қўлинг урдинг ноҳақ кўзда селларга,  
Қирқ қамчи буюрдинг нозик белларга,  
Дарё эттинг кўзда қонни, сен Фаттоҳ!

Айирдинг отадан, онадан, қардошдан,  
Қўллар, оёқлардан, соқолдан, сочдан,  
Дандондан, забондан, ақлдан, ҳушдан,  
Эндон эттинг бу жаҳонни, сен Фаттоҳ!

Айирдинг, йиғлашар қолиб ёрларимиз,  
Фалакка етгандир тортган зорларимиз,  
Одамлар осиглиқ, турар дорларимиз,  
Қассобдай сўйдинг инсонни, сен Фаттоҳ!

Фирогий, дард айтиб, дардда ёнади,  
Қонни ичиб, золим Фаттоҳ қонмади,  
Узим тирик, лекин ўлих санади,  
Йўқса ўлдир, бу дostonни, сен Фаттоҳ!



## ТУРКМАННИНГ

Жайхун билан баҳри Хазар<sup>1</sup> ораси,  
Чўл устидан эсар ели туркманнинг,  
Гулгунчаси кўзларимнинг қораси,  
Қора тоғдан тушар сели туркманнинг.

Ҳақ сийламиш, борлар унинг соясм,  
Ёйилар чўлида нори, моясм,  
Ранг-баранг гул очар яшил яйласи,  
Ғарқ бўлмиш райҳонга чўли туркманнинг.

Олу яшил бўлиб чиқар паркси,  
Димоқларга ўрар анбаринг иси,  
Бек, тўра, оқсоқол, юртнинг эгаси,  
Қишлоқлари гўзал эли туркманнинг.

У марднинг ўғлидир, марддир отаси,  
Гўрўгли қардоши, сархуш калласи,  
Тоғда, қирда қувса овчи ғаласи —  
Тута олмас, йўлбарс ўғли туркманнинг.

---

<sup>1</sup> Баҳри Хазар — Каспий денгизи.

Кўнгиллар, юраклар бир бўлиб бошлар,  
Тўппанса эриydi тўпроқлар, тошлар,  
Бир супрада тайёр қилинса ошлар,  
Баланд бўлар бахт-иқболи туркманнинг.

Кўнгил ҳаволанур, отли чиққанда,  
Тоғлар лаъли бўлар қиё боққанда.  
Бол келтирар жўшиб дарё оққанда.  
Берк, туттирмас келса сели туркманнинг.

Гофия қолмас, саваш кўни хор бўлмас,  
Қарғишга-ю зорга гирифтор бўлмас.  
Булбулдан айрилиб, сўлиб, зор қолмас,  
Доим анбар сочар гули туркманнинг.

Завқи тўлиб чиқар, жигар доғланмас,  
Тошларни синдирар, йўли боғланмас,  
Кўзи гайрга тушмас, кўнгли тўттамас,  
Махтумқули — сўзлар тили туркманнинг.

## ТЕПА НАДИР, ДАШТ НАДИР

Еши етган арабий от шонида  
Маълум бўлмас, тепа надир, туз<sup>1</sup> надир:  
Кучга тўлган мард йигитнинг ёнида  
Олтмиш надир, етмиш надир, юз надир...

Номард ўгли кўрқиб қочар майдондан,  
Ёғоч одам бўлиб кўрinar ҳар ёндан,  
Муханнаслар<sup>2</sup> хавfli ерда душмандан  
Ажратолмас туман надир, тўз<sup>3</sup> надир.

Силоҳ бўлиб минар отин билмаган,  
Ориф бўлиб ўз иззатин билмаган,  
Сўхбат ичра сўз лаззатин билмаган,  
У қолмайди мажлис надир, саз надир.

Қарга ожиз бўз қарчиғай жангида  
Кўринолмас ул майдоннинг тенгида,  
Оч қарчиғай, оғир лочин ўнгида  
Минг йиғилсин, ўрдак надир, гоз надир.

---

<sup>1</sup> Туз — дашт.

<sup>2</sup> Муханнаслар — номардлар.

<sup>3</sup> Бу ерда, тўзон маъносиде.

**Махтумқули, сўз жўш урар тилингдан,  
Муханнаслар йўл бермади ялангдан,  
Бу ҳунарлар келар-келмас қўлингдан,  
Тилдан келган бу журъатли сўз надир.**

## ЙУЛИҚСА

Бедов ўлса, майдон қолар армонли,  
Ҳақ ишига от сол майдон йўлиқса;  
Йигит ўлса ҳангом қолар давронли,  
Вақтингни хуш ўтназ даврон йўлиқса.

Йигит бордир — сўзлайман деб  
гирифтор,

Йигит бордир — дами тошни эритар,  
Узоқ ерда якка қолса, қаритар.  
Мард йигитнинг оти чаман йўлиқса.

Иши дуруст келмас кўнгил шаънига,  
Димоғини тишлаб «оҳ!» деб занкига,  
Илон захри бўлиб ёйилар танига,  
Йигит қарир аёл ёмон йўлиқса.

Юз номард ўрнини босмас бир мардининг,  
Мард чекар ғамини туғилган юртнинг,  
Битирган ишнини кўринг номардининг,  
Жангдир дея қочар туман йўлиқса.

Махтумқули, ўғит бергил сўз билан,  
Эшитган тенг бўлмас кўрган сўз билан,  
Мард чиқар меҳмонга кулар юз билан,  
Номард қочиб қолар меҳмон йўлиқса.

## КҮЗ КҮРМАГАН ЕРДА

Иззат, ҳурмат ҳеч кутмагин  
Кўрим кўрилмаган ерда<sup>1</sup>,  
Оқил бўлсанг, сўз айтмагин  
Навбат берилмаган ерда.

Ақли яхшилар унутмас,  
Қуруқ ёғочга барг битмас,  
Ақлли эр маскан тутмас  
Хулқи севилмаган ерда.

Кўмилган ариқ ҳеч оқмас,  
Бангидан ҳеч қарам чиқмас,  
Ит кўзламас, мушук боқмас —  
Сочоқ<sup>2</sup> ёзилмаган ерда.

Хирмон қолса чорга<sup>3</sup> дўнар,  
Гул очилса зарга дўнар,  
Хизмат этмоқ хорга дўнар —  
Қадринг билилмаган ерда.

Номард қўш устида ҳорар,  
Тўймас ош устида гурлар<sup>4</sup>,

---

<sup>1</sup> Кўзинг тушмаган, таниш бўлмаган.

<sup>2</sup> С о ч о қ — дастурхон.

<sup>3</sup> Ч о р — янчилмаган дом.

<sup>4</sup> Г у р л а р — гуриллар.

Уруш қилиб, қилич тортар  
Душман кўринмаган ерда.

Уй ичида хорта<sup>1</sup> дўнар,  
Муханнас бир норга дўнар,  
Тўлки, қашқир шерга дўнар,  
Уруш қурилмаган ерда.

Фаросат қил кўриб ақл-ла,  
Мард йигитнинг сўзин ҳақла,  
Махтумқўли, тилинг сақла,  
Сўроқ сўрилмаган ерда.

---

<sup>1</sup> Х о р — суғуринди.

## АЙЛАР

Оқил бўлсанг, яхшиларга ҳамдам бўл,  
Аҳмоқ ўзин нодон билв ёр айлар;  
Чин ошиқлар нозли ёрнинг жамолин  
Бир кўрсам деб, кеча-кундўз зор айлар.

Номард гуссасидан қолибман дарда,  
Кўнгил ором топмас бир пинҳон ерда,  
Моли кўп деб, меҳмон бўлма номарда,  
Жўмард фақир бўлса ҳамки, бор айлар.

Номард ўз ўйида мардча сўз айтар,  
Нодон эса ҳақинг танобин тортар.  
Мард йигит мол топса, қиммати ортар,  
Номард фойда топса, кўнглин тор айлар.

Махтумқули, анди ўзингни кўзла,  
Яхшини таърифлаб, ёмонни тўзла.  
Оз еб, оз ухлагин, яна оз сўзла.  
Кўп сўз охир эл ичида хор айпар.



## КҮРИНГ

Ҳар йигитнинг аслик билай десангиз,  
Маъракада ўтириб-туришин кўринг,  
Биров билан ошна бўлай десангиз,  
Аваал ўз сўзида туришин кўринг.

Узоқ-яқин йўлга борар бўлсангиз,  
Мардлик қиличини солар бўлсангиз,  
Бир бадовни сайлаб олар бўлсангиз,  
Сийнасин, сөгрисин керишин кўринг.

Бир пул тушса бир ифлоснинг қўлига,  
Кўксин очиб кезар қишнинг епига,  
Харидор бўлсангиз қизга, келинга,  
Адабин, икромин, ўтиришин кўринг.

Мард йигитнинг от-яроғи шай бўлса,  
Етишар ҳар ерда ҳайда-ҳай бўлса,  
Ўзи Ҳотам бўлиб, яна бой бўлса,  
Чор атрофдан меҳмон келишин кўринг.

Бир нечани қилдинг моли бисёри<sup>1</sup>,  
Бир нечани қилдинг бир пулнинг зори,

---

<sup>1</sup> Б и с ё р — кўл.

**Яхши-ёмон, одам зотининг бори  
Навбат билан ўтиб боришин кўринг.**

**Тангри безор, билинг, закотсиз бойдан.  
Сиз ҳам қочинг зинҳор ўл келар жойдан.  
Мардга бир иш тушса кўрар худойдан.  
Номарднинг ҳамроҳдан кўришин кўринг.**

**Номард юрар мудом ўлимдан қочиб,  
Уйига келганда заҳарин сочиб,  
Мард йигит меҳмонга қучоғин очиб,  
Номарднинг майдонга боришин кўринг.**

**Золимлар унутар зикри оллони,  
Арзон олиб, қиммат сотар ғаллани,  
Судхўр ноинсофлар ҳалол тиллани  
Ҳаром фойдасига беришин кўринг.**

**Мард йигитнинг иши сўхбат—соз бўлар,  
Кўнгли қиш бўлмайин, доим ёз бўлар,  
Яхшининг кўнглида гина оз бўлар.  
Ёмоннинг кунда бир уришин кўринг.**

**Қадрдон қардошдан узоқда туриб,  
Қадрсиз ёт билан қариндош бўлиб,  
Махтумқули, носозларга дуч бўлиб,  
Хўжанинг, санднинг юришин кўринг.**



Жанг кунн гайратга отлан,  
Лаънат қўйма риш<sup>1</sup> устида.

Махтумқули, саваш бўлар,  
Йигитнинг сири фош бўлар,  
Ё бош берар, ё бош олар,  
Мард йигит йўлдош устида.

---

<sup>1</sup> Риш — сақол.

## САРФ ҚИЛАДИ ОШИНИ

Ҳақ назарин солган бир ҳамдард йигит  
Инсон учун сарф қилади ошини.  
Номусли, ғайратли, орли мард йигит,  
Саваш куни қурбон этар бошини.

Бир нечалар кезар зарбоб тўн билан,  
Бир нечалар юрар қурўқ сон билан.  
Одамзодни таниб бўлмас син<sup>1</sup> билан,  
Синашмаган киши билмас кишини.

Йигитнинг обрўи яхши заифдир<sup>2</sup>,  
Яхши заиф нокас эрга ҳайфдир,  
Йигитга қаллоблик жуда айбдир,  
Мудом санқир, билмас қилар ишнини.

Махтумқули, айтай ёрнинг сифатин,  
Янги дафтар билан ёзай сархатин,  
Дўзах нишонаси бир ёмон хотин —  
Ҳар кимга дуч бўлса, олар ҳушини.

---

<sup>1</sup> С и н — синов.

<sup>2</sup> З в и ф — хотин.

## БИЛМАДИМ

Фалак менга ҳам бодасин берганден,  
Висол қайси, ҳижрон қайси, билмадим.  
Ҳақ ишига тан бермишман кўргандан,  
Орзу қайси, армон қайси, билмадим.

Банда бўлсанг, кўзла ҳақнинг ризосин,  
Гар жабр қилса, торта бергил жазосин,  
Ажал бир кун отар тийри қазосин,  
Ипи қайси, камон қайси, билмадим.

Ориф бўлсанг, қулоқ солгил сўзимга,  
Бир суратман, бу кун боқма ўзимга.  
Дунё тубсиз кўринади кўзимга,  
Давр қайси, даврон қайси, билмадим.

Оз умримни кўп савдога сотибман,  
Узин билмай, ул дарёга отибман.  
На уммондир, на гирдобдир, ётибман,  
Замин қайси, замон қайси, билмадим.

Ҳар ким кирса у гирдобга, уммонга,  
Бошни олиб чиқа билмас бир ёнга,  
Қадам қўйдим ул саҳрога—майдонга,  
Жон қайси-ю, жаҳон қайси, билмадим.

Бу дунёни осмондаги ранг билдим,  
Жон-жаҳдям-ла хўп олишдим, сўнг билдим,  
Энди ўнинг бори-йўғи тенг билдим,  
Фойда қайси, зиён қайси, билмадим.

Махтўмқўли, йўлнинг олди-орти бор,  
Тортар юкинг, ҳар кишининг марди бор,  
Юрагимда пинҳон ишқнинг дарди бор,  
Дард қайси-ю, дармон қайси, билмадим.

## БУЛАР

Ҳар кишининг икки бўлса аёлми,  
Кеча-кундуз иши қилу қол бўлар.  
Ҳар бирининг бордир юз минг хаёлми,  
Оши заҳар, нони ҳам увол бўлар.

Бирин севиб, бирин қўйса у ночор,  
Шундоқ расво бўлиб, ўз айбин очар.  
Ақли ҳайрон бўлиб, боридан кечар,  
Тенг тутмаса ёрин бекамол бўлар.

Гоҳи бўлбуп каби сайрар тиллари,  
Томошага ҳозир этар эллари.  
Гоҳи тизини муштар, гоҳи ерларини,  
Эрини кўрса у тилсиз лол бўлар.

Зарда қилиб келмас бўлса ёнига,  
Сўз айтмаса ҳар бирининг шаънига,  
Бундай эр қўшилмас одам сонига,  
Икки хотин, бир эр — уч аёл бўлар.

Махтумқули, кимса билмас ботинни,  
Уйлансангиз қараб олинг зотини,  
Эгам кўрсатмасин ёмон хотинни,  
Одам ўзин билмас, хомхаёл бўлар.



## ЖУШ КЕЛСА

Дунёда неча иш бордир—ёмондир,  
Бири ү— ноўрин қаҳри жўш келса;  
Ошиқларга шу кун охир замондир.  
Ёрдан узоқ тўшиб ора тош<sup>1</sup> келса.

Дўстингни кўп тутма, нафдан қолмасин,  
Душманинг сақлама, сиринг билмасин,  
Очдан олғинг, бекка бергинг бўлмасин,  
Иш мушкулдир англамаста дуч келса.

Замин сени тез фурсатда ютарми,  
Эслик бўлган бунда беғам ётарми!  
Ҳеч бир масхаралик бундан ўтарми,  
Кетган—қуруқ кетса, келган—бўш келса,

Ун қат ўйинг бўлса темир қалъадан,  
Ажал топар буйруқ бўлса оллодан,  
Ҳақиқий эр юз ўтирмас балодан,  
Ҳақ ризоси билан бошга тош келса.

Орифман деб лой урарлар ёлғондан,  
Тўғрисиини айтар сўрсанг билгандан,

---

<sup>1</sup> Бу ерда узоқ маъносида.

Эл кўзида юз йил товт қилгандан,  
Яхшидир бир саҳар кўздан ёш келса!

Бойлар ёлиб саховатнинг қописин<sup>1</sup>,  
Кўпайтирар дўзахнинг заҳар аписин<sup>2</sup>.  
Кўринг бу айёмнинг пиру сўфисин,  
Танламайин ураверар ош келса.

Махтумқули, сўзла ақлинг етгунча,  
Кўмак-тиргак топгил бекор ётгунча.  
Томўғдадир то дунёдан ўтгунча,—  
Ёмон хотян яхши эрга дуч келса!

---

<sup>1</sup> Қ о п и — эшик.

<sup>2</sup> А п и — илон-чаён.

## БУЛМА

Кел, кўнглим, мен сенга насиҳат қилай,  
Ватаним тарк этиб кетувчи бўлма,  
Узингдан паст бўлган гайир, номарднинг  
Хизматида қуллуқ этувчи бўлма.

Оқмасдан қолмайди бир оққан ариқ,  
Бир танда одам гоҳ семиз, гоҳ ориқ,  
Бир юзи қорадир, бир юзи ёруғ,  
Қора деб қаттиқ сўз айтувчи бўлма.

Яхшилардан ҳаргиз чиқмас ёмонлик,  
Асли ёмон бўлса чиқмас омонлик,  
Аслига тортади чопқир, чаманлик<sup>1</sup>,  
Чопқирни чаманга сотувчи бўлма.

Агар сен хабарсиз бир ерга борсанг,  
Ҳурматин айлагин ўтирсанг, турсанг,  
Бир насиҳат берай, пайдимни олсанг,  
Киши ошининг тузин тотувчи бўлма.

Чақирган ерга бор, ўтир-да, турма,  
Чақирмаган ерга борма, ўтирма,

---

<sup>1</sup> Ч а м а н — секин юрувчи (от).

Уятсиз одамдек сўйканиб юрма,  
Бўйрилмаган ишни этувчи бўлма.

Агар бўлсанг ипак каби мулойим,  
Мулойим сен бўлсанг, қулинг бўлайин,  
Қулоғимга берган пандинг олайин,  
Кишига қаттиқ сўз айтувчи бўлма.

Кўкдан кам тушмаса кўкат кўкармас,  
Йиғласа минг қайғу бир иш битирмас,  
Эр йиғит кўнглига қайғу кетирмас,  
Номарднинг ўғлидек қочувчи бўлма.

Мард ўғлидир элга ёзар дастурхон,  
Тўғри сўз устида берар ширин жон,  
Умрини ўтказар, айтмайди ёлгон,  
Жаҳд айблаб, ёлгон сўз айтувчи бўлма.

Уқир бўлсанг, ўқ ур нафсинг кўзига,  
Чин кўз билан қара китоб юзига,  
Алданиб, кирмагил шайтон сўзига,  
Яхшиликни ҳеч вақт қўювчи бўлма.

Агар енгил бўлсин десанг оғирлар,  
Ёмон сўзлаб, оғритмагил бағирлар,  
Йўлиқса кўзингга гунгу сағирлар,  
Уларнинг ҳолига кулувчи бўлма.

Топсанг-да, дунёда мулки Искандар,  
Қорунинг моли ҳам бўлса муяссар,  
Охири бўларсан ерга баробар,  
Кўнглингда жанманлик сотувчи бўлма.

Мақол бор: йиртиқ тўн кўрса, ит қопар,  
Феълк ёмон банда худодан топар.

Охири бир кун қиларсан сафар,  
Тор кўнгилик ишни этувчи бўлма.

Агарчанд бўлсанги, соҳиб мансаб,  
Сўзин тингла, адолатни бўл тенглаб,  
Сўз топсанг сўзлагил, топмасанг бўл ҳап<sup>1</sup>,  
Қўлдан келмас ишни этувчи бўлма.

Қариллик келгуси бир кун офат,  
Йигитнинг кетгуси бир кун қувват,  
Ғанимат бил, гофил одам, фурсатни,  
Уликдек узалиб ётувчи бўлма.

Мақсад: бу сўзларга бергил эътибор,  
Чин одамга ҳар вақт одамлик даркор,  
Уйламай сўзлама: «Томда қўлоқ бор!»  
Ич сиринг кишига айтувчи бўлма.

Тонг отарда сўфи айтади вазон,  
Сўзилмасмиш ҳаргиз қисматда ёзган,  
Йигитлик бўстондир, қариллик ҳазон,  
Бўстонни ҳазонга сотувчи бўлма.

Китоб очиб ўқиганни мулла дер,  
Кўкарар ёмғирнинг суви билан ер,  
Олқишү, фотиҳа дуо билан эр,  
Мазлумга ситамлар қилувчи бўлма.

Давлатли ўғиллар ёшда бош бўлар,  
Яшаганда, бадавлатлар ёш бўлар,  
Раҳмсиз золимлар бағри тош бўлар,  
Борар ерга кесак отувчи бўлма.

---

<sup>1</sup> Бу ерда жим бўл маъносида.

Эр йигитда молу дэвлат пур<sup>1</sup> бўлар,  
Қамчися қўлида, ёмон зўр бўлар,  
Маърака кўрмвган йигит хўр бўлар,  
Бўлар-бўлмас сўзни айтувчи бўлма.

Эй кўнгил, кел анди ҳақни топайлик,  
Насиба отини миниб чопайлик,  
Дейдилар: ҳақ эмиш меҳру шафолик,  
Ҳаргиз ўз сўзингдан қайтувчи бўлма.

Мен айтдим бир неча панду насиҳат,  
Билсанг насиҳатдир, йўқса фасихат<sup>2</sup>,  
Фасихат билмагил, барча насиҳат,  
Елгон-яшиқ сўзни айтувчи бўлма.

Махтумқули, кўнглингдадир кўп армон,  
Топмадинг дардингга оқибат дармон,  
Етишар бир кўни ҳақдан бу фармон,  
Ғафлат тўшагида ётувчи бўлма.

---

<sup>1</sup> П у р — кўл.

<sup>2</sup> Ф а с и х а т — бўш сўз.

## БҮЛМАС

Ҳар аҳмоққа айтма дарду сўзингни,  
Ҳасрат ўти жисминг ёққанча бўлмас;  
Ғусса билан дона-дона кўзингдан  
Аччиқ ёшларингни тўкканча бўлмас.

Қаноатда, иззатда тут ўзингни,  
Тама қилиб сарғайтирма юзингни,  
Ҳар номардга раво кўрма сўзингни,  
Сўзингни биносин йиққанча бўлмас.

Мағрур бўлиб кезма умринг гулига,  
Дуч бўларсан, бир кун хазон елига,  
Юз йил яшаб тушсанг ажал қўлига,  
Чапингдан ўнгингга боққанча бўлмас.

Кўнгли қора билан бўлманглар улфат,  
Юқар ундан турли-туман касофат;  
Кўмирга ҳар неча айласанг иззат,  
Манглайга қораси юққанча бўлмас.

Махтумқули, ҳаргиз топмади омон,  
Ёмон тилнинг заҳри тиллардан ёмон,  
Ёмон тил ёнида заҳри кўп илон—  
Чақса-да, бир чивин чаққанча бўлмас.

## СИНДИРАР

Иқболнинг уйғонса, давлат ёр бўлса,  
Тоққа кесак отсанг, тошни синдирар,  
Толенинг терс келса, Бахтнинг шўр бўлса,  
Палованинг гүручи тишинг синдирар.

Ажалингдан қўрқиб, кирсанг ўммонга,  
Қўрқувдан не фойда кетажак жонга,  
Умринг охир бўлиб, тўлса паймонга,  
Лоланинг чўли ҳам бошинг синдирар.

Бор сўзига қулоқ осми билганининг,  
Охири ҳеч ерга етмас ёлгоннинг,  
Умри-ёши ортар олқиш олганининг,  
Қарғиш төгмай қолмас, ёшни синдирар.

Махтумқули, чўлда кезган ношийни<sup>1</sup>,  
Улуғ кўрма кўп сурди деб ёшини,  
Тор мажлисда тўлиқ берсанг ошини,  
Ошини ей билмас, коса синдирар.

---

<sup>1</sup> Ноший — билимсиз одам.



\* \* \*

Етмиш ёшли қардош, ишонма ёйга,  
Уқинг йўлга тушмас хезлатмоқ билан,  
Қувонма несакдан бўлган бинога,  
Кесак бино бўлмас тузатмоқ билан.

Одамзоддан чиқар одамлик исм,  
Муттаҳамнинг дарҳол чиқади мисм,  
Дилозор бўлади одамнинг песи,  
Дўниб даъво бошлар туз-намак билан.

Узоқ йўлга беҳимматни бош этма,  
Эркин қўлдан бериб, қалбни тош этма,  
Ақмоққа ич<sup>1</sup> бериб, сиринг фош этма,  
Ғалаврда сув тўрмас, беркитмоқ билан.

Дўст тутма қартайган одам кўсасини,  
Борни «йўқ» деб, кўрсатади киссасини,  
Худойим бўш этса ақлинг косасини,  
Не фойда тошидан безатмоқ билан.

Аввал, Махтумқули, ўзинг тузатгил,  
Узингни сен ўзгаларга кўз этгил,  
Оз егил, оз ётгил, сўзинг оз этгил,  
Не бор беъаъни сўз узайтмоқ билан,

---

<sup>1</sup> Бу ерда сир маъносиди.

## ЭЛИН КҮЗЛАР

Элидан айри түшган  
Оҳ урар, элин күзлар.  
Йўлидан айри түшган  
Жаҳд этар, йўлин күзлар.

Кўкда фалак гардондир<sup>1</sup>,  
Халқ ерда саргардондир,  
На ўйинчи жаҳондир,  
Кўз очган молни күзлар.

Кимларда олтин тождир,  
Кимлар гадоё — муҳтождир,  
Кимлар асли қаллочдир,  
Ким ипак холни<sup>2</sup> күзлар.

Ким нон топмас емоққа,  
Ким ер топмас қўймоққа,  
Ким тўн топмас киймоққа  
Ким тирма<sup>3</sup> шолни күзлар.

---

<sup>1</sup> Гардонлар — айланадир.

<sup>2</sup> Хол — гиламнинг бир хили.

<sup>3</sup> Тирма — чакмон (юнгдан тўқилган).

Бу жаҳон бир пуштадир<sup>1</sup>  
Ким тирик, ким куштадир<sup>2</sup>,  
Ҳар банда бир кшдадир,  
Ҳар ким бир ҳолни кўзлар.

Ҳангом узун, умр оз,  
Тўрт фаслга бошдир ёз,  
Кўнда қанот ёзган гоз  
Кўзлари кўлни кўзлар.

Махтумқули, хўш айлаб,  
Кезми, кўзмиг ёш айлаб,  
Телба кўнгил жўш айлаб,  
Юз минг хайлни кўзлар.

---

<sup>1</sup> Пуштадир — эски, қадимги.

<sup>2</sup> Куштадир — ўликдир.

## ДУНЁ

Тирноғи темирдан — талончи дунё!  
Ишинг йўқдир номус билан, ор билан  
Жабру жафоси кўп, ёлғончи дунё!  
Қўймассан кезмакка ёрни ёр билан.

Мухаббат вакидан ёр бир кеп деса,  
Талабингни сўраб, мендан ол деса,  
Бир кун турдинг, бу кеча ҳам қол деса,  
Қадам қўйсанг оёқ ўрнига сар<sup>1</sup> билан.

Эсанча<sup>2</sup> авж этар дунёнинг ели,  
Қасд этса, қуритар дарёйи Нилни,  
Бир куми маст этиб, гангитар филни,  
Бир кун тенг қиларсан пашша, пар  
билан!

Заминнинг устида тоғлар чекарсан,  
Томошабин бўлиб, тикка чиқарсан,  
Қар нарсани бир важ билан ёқарсан;  
Жилғани кун билан, тоғик қор билан.

Телмуриб, дод этсам, қўлим тутмассан,  
Йиғлаб ёш тўкканга ҳеч раҳм этмассан.

<sup>1</sup> Сар — бош.

<sup>2</sup> Бу ерда, эсан сайин маъносиди.

Жон матосин олсанг қайтиб сотмассан,  
Қайта олиб бўлмас тўккан зар билан.

Лайли учун не жабр эттинг Мажнунга!  
Золим, инсоф айла бу ноҳақ хунга.  
Қунда қирқ от безаб бердинг Қорунга,  
Исо мадор бердинг якка ҳар билан<sup>1</sup>.

Махтумқули айтар, ишинг талондир,  
Бу навбат кўплардан келиб қолгандир,  
Эътиборинг йўқдир, сўзинг ёлғондир  
Дўст қўймадинг, яқсон эттинг ер билан.

---

<sup>1</sup> Исога битта эшак бердинг маъносида.

## БҮЛАРСАН

Баланд тоғлар, буюкликда гердайма,  
Хумчада сүв бўлган зардек бўларсан,  
Теран дарё, ҳайбатингга кеккайма,  
Вақтинг етса, қуриб ердек бўларсан.

Тоғларнинг арслони, бабр<sup>1</sup>, фаланги<sup>2</sup>.  
Охири тенг бўлар фил, пашша жанги,  
Жайхун дарёси-ю, Нилнинг наҳанги,  
Қулоқдан урилган хардек бўларсан.

Қиёматдан бир сўз дедим боёқда<sup>3</sup>,  
Акс зарб бор бевақт урилган таёқда,  
Золимлар хор бўлар, қолар оёқдан,  
Ғариб, сен йнглама, шердек бўларсан.

Яхшилар ёнида юргил сен ўзинг,  
Дур бўлсин доимо сўзлаган сўзинг,  
Олимларни ўқсанг очилар кўзинг,  
Жоҳилни тингласанг, кўрдек бўларсан<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Б а б р — қоплон.

<sup>2</sup> Ф а л а н г — йўлбарс.

<sup>3</sup> Б о ё қ — ҳалл.

<sup>4</sup> Шу тўртликнинг тубандагича варианты ҳам бор:  
Барча насиҳатдир элларга сўзинг,  
Эл қилмасдан аввал қилгил сен ўзинг,  
Олимга эргашсанг, очилар кўзинг,  
Жоҳилни тингласанг, кўрдек бўларсан.

Луқмондек ҳар кшнинг чорасин билсанг,  
Рустамдек дөвларга фармонлар берсанг,  
Искандардек ернинг юзини олсанг,  
Яксон бўлиб, барибир ердек бўларсан.

Махтумқули, қараб сўзла дошингни<sup>1</sup>,  
Жойин биллиб тортгил, бўлса ошингни,  
Комил топсанг, қўй йўлида бошингни,  
Эр кетида юрсанг, эрдек бўларсан.

---

<sup>1</sup> Д о ш и н г н и — атрофингга қараб сўзла.

## ТҮХТАМАС

Булбул сайраб турган ҳаволи боғлар,  
Булбул сендан кетар, фиғон тўхтамас,  
Туманли, ёмғирли, оқ қорли тоғлар,  
Селлар сендан кетар, туман тўхтамас.

Одам яратилмиш баландли, пастли,  
Ақлли, фижрли, онгли ва эсли,  
Йигитлик умрда худди ёз фасли,  
Баҳор сендан кетар, замон тўхтамас.

Келганга қарши чиқ, бўлса мажолинг,  
Яхши тутавергин нияту феъллинг,  
Дунё давроннда очиқ тут қўлинг,  
Давр сендан кетар, даврон тўхтамас.

Бу дунё ғавғодир, бир қол-мақолдир,  
Биров бер, ҳа, бер дар, ким ол, ҳа, ол дер,  
Йигитлар, бу дунё шунга мисолдир,  
Барҳ үрар осмонда бўрон тўхтамас.

Бир манзилдир, уч кун хўб еб-ичган сўнг,  
Урнашиб, қимирлаб белинг ечган сўнг,  
Узангинг тортарлар, тўрт кун кечган сўнг,  
Беш кундан ортиқча меҳмон тўхтамас.



Қўйкин очар бир кун ер сени гизлар<sup>1</sup>,  
Қора қумга тўлар бу қора кўзлар,  
Бунча гердаймагин чаманзор тўзлар,  
Чаман сендан кетар, сайрон тўхтамас.

Махтумқули айтар ориф дўстига,  
Ким қолар тушмайин ажал дастига!  
Фалак бир кун ташлар ернинг остига,  
Оғиздан тил кетар, забон тўхтамас.

---

<sup>1</sup> Яширар.

## ЗОРЛАР ИЧИДА

Чувдурхон, суюнчим, кўнгил тирагим,  
Сен вафот этибсан зорлар ичида.  
Гўклангда полвоним, элга керагим,  
Халқни қўйиб кеттинг норлар<sup>1</sup> ичида.

Кела билмас эди ботиниб душман,  
Келган топди-кетди зўрингдан пушмон.  
Қари тоғдан бери, гўкланг ошмаган,  
Бизни қўйиб кеттинг морлар<sup>2</sup> ичида.

Фалак сенинг тул умрингни сўлдирди.  
Хазон төгди, нав гунчангни юлдирди.  
Қора тоғлар чидамай, бош нўтарди,  
Кўзим ёши туман—қорлар ичида.

Кимга насиб бўлди исфахон ёйинг!  
Сўзим ғалат эмас, беҳиштдир жойинг,  
Гўкланг, ёмўт — вайрон бўлди саройинг,  
Фалак вайрон этти хорлар ичида.

Махтумқули ҳамдам, оқил сирдошинг,  
Тута билмас ўзин, тўкиб кўз ёшин.  
Туман олди тоғлар—камарин, бошин,  
Ою кунлар ботди зорлар ичида.

---

<sup>1</sup> Н о р — ўт-олов.

<sup>2</sup> М о р — илон.

## АБДУЛЛА

Сен кетгандан бери тўққиз йил ўтди,  
Қайда ватан туттинг, қардош Абдулла!  
Кетган одам наҳот қайтиб келмаса!  
Қайда ватан туттинг, қардош Абдулла!

Тоққа арзим айтиб, сўрдим хабаринг,  
Лол бўлибдур тили, демас озоринг,  
Ота-онасиз недир сенинг қароринг!  
Қайда ватан туттинг, қардош Абдулла!

Қўрқув фойдаси йўқ кетажак жонга,  
Умр охир бўлди, тўлди паймонга.  
Ёки сен тўшдингми тубсиз уммонга!  
Қайда ватан туттинг, қардош Абдулла!

Устимизга ҳижрон ўти сепилди,  
Қувватим кетибдир, тизим эгилди,  
Қон йиғлаб отамнинг бели бўкилди;  
Қайда ватан туттинг, қардош Абдулла!

Юзим тутиб чиқдим жондор борига,  
Ўзим раво қилдим ҳижрон дорига,  
Чидолмайман уйдагилар зорига,  
Қайда ватан туттинг, қардош Абдулла!

Энда—кунда йўқдир менинг қарорим,  
Дард устига ортди қайта озорим.  
Ёт бўлди ватаним, уйим-рўзгорим.  
Қайда ватан туттинг, қардош Абдулла!

Қулоқ тутгим ҳар айтилган сўзларга,  
Жафо беғдинг ҳижрон билан бизларга,  
Узим үрар бўлдим олов-чўғларга,  
Қайда ватан туттинг, қардош Абдулла!

Купиб ўйкамәдик бирга шод бўлиб,  
Бошдан кетдинг бутун биздан ёт бўлиб,  
Махтумқули зор йиғлайди мот бўлиб,  
Қайда ватан туттинг, қардош Абдулла!

## ҚАРИЛИҚДИР, ЁРОНЛАР!

Йигитликнинг зўри кетди белкидан,  
Дард ёмони қарилиқдир, ёронлар!  
Иложи йўқ унинг бошқа ўлимдан,  
Дард ёмони қарилиқдир, ёронлар!

Хасталар қутулар, қари қутулмас,  
Бу дардга ҳеч кимдан чора кутилмас.  
Кўнгил қуши учар-кетар, тутилмас,  
Дард ёмони қарилиқдир, ёронлар!

Бир таом амакка тишлари қолмас,  
Сўзига ўғил, қиз қулоғин солмас,  
Узоқдан кўзласа, кўзлари кўрмас,  
Дард ёмони қарилиқдир, ёронлар!

Етмишнинг ўйига кирганда ёши,  
Ирғалиб бир ерда турмайди боши,  
Нонни чайнай олмас, толқонлар оши.  
Дард ёмони қарилиқдир, ёронлар.

Айтсанг сўз эшитмас, қулоқ қар бўлар,  
Ултириб, турмоғи дардисар бўлар,

---

<sup>1</sup> Бу кўшиқ баъзи қўл ёзмаларда Толибий деган шоирга ҳам нисбат берилади.

Суюклар зирқираб дарбадар бўлар,  
Дард ёмони қарилқдир, ёронлар!

Оғзига қарасанг бир тиши бўлмас,  
Тўшақ, ёстиқ билан ҳеч иши бўлмас,  
Ёнида қадрдон тенг-тўши бўлмас,  
Дард ёмони қарилқдир, ёронлар!

Қолган-қутган бўлса унга берарлар,  
Иссиқ-илиқ бўлмас. «шуни е», дерлар.  
Ҳар кимга сўзласа, «гапирма» дерлар,  
Дард ёмони қарилқдир, ёронлар!

Танда қувват қолмас, юзингда кўркинг,  
Ултириб, турмоққа етишмас эркинг,  
Ошни ичиб бўлмас, қисилар ўпканг,  
Дард ёмони қарилқдир, ёронлар!

Махтумқули, дўстлар, қариманг баттар,  
Етмишу саксонинг ўзи ҳам етар,  
Ўзи билмас нодон тиржайиб ўтар,  
Дард ёмони қарилқдир, ёронлар!

## ЭЛ ЯХШИ

Одам бўлиб, одам қадрин билмаган  
Кишилардан ўтлаб юрган мол яхши.  
Сўзлаганда сўз маъносин билмаган  
Инсонлардан сўзлаёлмас пол яхши.

Худойим сақласин шаррдан, қахрдан,  
Миннатли ош аччиқ бўлар захардан,  
Ҳар бир ерда бир бозорсиз шаҳардан  
Аслида бир қуриб ётган чўл яхши.

Ҳар кимнинг ўзига Мисрдир жойи,  
Едингдан чиқмайди байрами, тўйи,  
Жон соғлиқининг бўлмас ҳеч тенги-тойи,  
Оқшом ётиб, эрта шукрин қил яхши.

Бир бевафо ёрга кулиб боққандан,  
Ширин жонни ишқ ўтига ёққандан,  
Ёт элларда мусофирлик тортгандан,  
Урса, сўкса, хўрласа ҳам эл яхши.

Махтумқули, сўз сўзлагил ҳар бобдан,  
Бу дунё тутдирмас, чирикдир тубдан,  
Маъракада маъноси йўқ бад гапдан  
Бир шивиллаб эсадиган ел яхши.

## БОРМИШ

Кимлар омонат топшириб,  
Кимлар молини ошириб,  
Кимсалар фикрин шошириб,  
Кимлар ўйин қуриб бормиш.

Кимлар ўзини олдирмай,  
Дардини элга билдирмай,  
Кимлар қўлини индирмай,  
Кимнинг қўли тушиб бормиш.

Кимлар тоққа чиқар бўлди,  
Кимлар уни йиқар бўлди,  
Қуриган ариқ оқар бўлди,  
Оққан ариқ қуриб бормиш.

Кимлар насиҳат олмай,  
Элга маслаҳат солмай,  
Кимлар ердан тўролмай,  
Қанчалар хориб бормиш.

Катта-кичик, ушоғи,  
Белида ип белбоғи,  
Кимнинг иқбол эшағи  
Ҳар қайда юриб бормиш.



Қаңчанинг өтмәс түзи,  
Уялмас келин, қизи,  
Қимларнинг боғли кўзи  
Жаҳонни кўриб бормиш.

Фалак мөндан бөж олиб,  
Қимлар барни хач олиб,  
Махтүмқули хўжалиб<sup>1</sup>,  
Коридан қолиб бормиш.

---

<sup>1</sup> Х ў ж а л и б — көксайиб, қартайиб мәъносида.

## САВОЛ-ЖАВОБ

- Махтумқули** — У нимадир, қизил ва кўк ўсади!  
У нимадир, оёғи йўқ, босади!  
У нимадир, етти дарё кезади!  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!
- Дурди шоир** — У экиндир, қизил ва кўк ўсади,  
У илондир — оёғи йўқ, босади,  
У балиқдир — етти дарё кезади,  
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!
- Махтумқули** — У нимадир, ёқаси бор, ёни йўқ!  
У нимадир, қаноти бор, қони йўқ!  
У нимадир, одам ютар, жони йўқ!  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!
- Дурди шоир** — У кафандир — ёқаси бор, ёни йўқ,  
Капалақдир — қаноти бор, қони йўқ,  
Қора ердир — одам ютар, жони йўқ,  
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!
- Махтумқули** — У нимадир, дарвозасиз қалъадир!  
У нимадир, деразасиз бинодир!  
У нимадир, бир-биридан аълодир!  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!
- Дурди шоир** — У кўнгиладир — дарвозасиз қалъадир,  
У қабрдир — деразасиз бинодир,  
У ой-кундир — бир-биридан аълодир,  
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу,
- Махтумқули** — У нимадир, емадилар — тўйдилар!  
У нимадир, улуғ кунга қўйдилар!  
Ул ким эди, тозонидан сўйдилар!  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!
- Дурди шоир** — У дийдордир — емадилар — тўйдилар,  
У намоздир — қиёматга қўйдилар,  
Насимийни тозонидан сўйдилар,  
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!

Махтумқули — У нимадир, етти ўлка кезади!  
У нимадир, белки бир зот эзади!  
У нимадир, одам каби сезади!  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бери!

Дурди шоир — У чўпондир — етти ўлка кезади,  
У қуюндир — дарахт белин эзади,  
Бедов отлар одам каби сезади,  
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шў!

Махтумқули — У нимадир, тўпроқ узра суринмас!  
У нимадир, одамларга кўринмас!  
У нимадир, ҳеч бир тўнга бурканмас!  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бери!

Дурди шоир — Эронлардир, хор-зор бўлиб суринмас,  
У балодир — келса, кўзга кўринмас,  
Ёлгон гурўнг ҳеч бир тўнга бурканмас,  
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шў!

## ДҮНДИ<sup>1</sup>

Аё дўстлар, одам бари  
Ҳар бири бир корга дўнди.  
Қорун каби йиғиб молини,  
Бариси айёрга дўнди.

Ҳаром йиғар бўлди бойлар,  
Ботди куну гўзал ойлар,  
Бизнинг бу ишратли жойлар,  
Қул, чўри бозорга дўнди.

Тоғларда банд бўлди селлар,  
Эсмай қолди келган еллар,  
Гурган, гўкланг ажаб эллар  
Езуадан гузарга дўнди<sup>2</sup>.

Тилла тахтида қопилар<sup>3</sup>,  
Давр айланиб ёллар,  
Эшон, мулла, пир, сўфилар  
Элатга озора дўнди<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Дўнди — айланди, ўтди, бўлди.

<sup>2</sup> Еъ дастидан йўл усти бўлиб қолди.

<sup>3</sup> Қопи — эшик.

<sup>4</sup> Элга озор бергувчига айланди.

Дармонсиз қолгандир дардлар,  
Вайрон бўлди кўшкү юртлар,  
Отга минган бизнинг мардлар  
Эиндонда ночора дўнди.

Юрган бўлмади савобга,  
Ҳароми дўнди қассобга,  
Саҳар чоғи эсган сабо  
Найлай энди норга дўнди.

Найлай, кундан-кунга ёмон,  
Эл-юртимни тутди тумви,  
Мерд тағида ажаб чаман,  
Боқ, бу кун у харга дўнди.

Тиллар айтар кўриб-кўриб,  
Оқил кесар ўйлаб туриб,  
Анча мардлар бўйин буриб,  
Номардга асирга дўнди.

Уятдан қолди законлар,  
Номард бўлди кўп ўғлонлар,  
Элчида шоҳлар, хонлар  
Гўё заҳри морга дўнди.

Бир пари ўтирмас синга,  
Ғарқ бўлибдир дунё хунга,  
Номардлар ўхшаб Мажнунга,  
Лўлилар бир ёрга дўнди.

Бир сўз дедим, бипсанг баёқ<sup>1</sup>,  
Шундан тотар бўлдим таёқ,

---

<sup>1</sup> Ба ё қ — боя, ҳали.

Нодон, ҳаром сўфи—саёқ—  
Салла ўраб, пирга дўнди.

Яхшилар устидан отлаб,  
Пулин тугатганда додлаб,  
Тангрини беҳуда ёдлаб,  
Номард жонин берга дўнди.

Ақлидан айрилди бошлар,  
Дарё бўлди оққан ёшлар,  
Ҳақ бермаган қуруқ хушлар,  
Ақл сўзлаб, сарга<sup>1</sup> дўнди.

Эришдами тоғлар тоши,  
Номард бўлди мард қардоши,  
Махтумқулининг кўз ёши  
Денгизи Хазарга дўнди.

---

<sup>1</sup>Сарга — бошга.

## ДАСТИНГДАН

Ут олиб туташди бу ғариб кўнглим,  
Бетоқат телмуриб, дунё, дастингдан!  
Етти қат заминни титратар оҳим,  
Бетоқат телмуриб, дунё дастингдан!

Елғизликдан, дунё, ақлим ҳайрондир,  
Юрагимда ёнган ишқи-ҳижрондир,  
Мен деган эрларнинг иши армондир,  
Бетоқат телмуриб, дунё, дастингдан!

Бир лўли хотинсан, бўлмас қароринг,  
Таиниб бўлмас, ким сенинг сезар ёринг,  
Шоҳни гадо қилди, билсанг, озоринг,  
Бетоқат телмуриб, дунё дастингдан!

Қани, қирқ хазнани зарга ғарқ этган!  
Қани, маъшуқ учун юртин тюрк этган!  
Баҳорлар очилиб, бўстон барқ этган!  
Бетоқат телмуриб, дунё, дастингдан!

Фироғий, сўзиндан мотамдир эллар,  
Сўзламас, лол бўлди, кўр, ширин  
типлар,  
Қора кўз, кулар юз, кўп нозик беллар,  
Бетоқат ағилиб, дунё, дастингдан!

## ФИРОҚ

Қўлдан олдинг қароримни,  
Келибсан ногаҳон, фироқ,  
Айирдинг мендан ёримни,  
Қўйиб жонда армон, фироқ!

Кўзларим йўлнигда банда,  
На ихтиёр қолди манда,  
Жабр айлаб келган кунда,  
Бошга солдинг фиғон, фироқ.

Арзимни тингламас шоҳим,  
Ботди осмондаги моҳим,  
Тоғларни ёндириб оҳим,  
Барин қилди вайрон, фироқ.

Қолмас менинг бошим омон,  
Кўрган жабрим айтар забон,  
Кунда келиб Исо, Луқмон,  
Топмас дардга дармон, фироқ.

Зулфи тоғим олдинг қўлдан,  
Айирдинг бир ёлғиз сопдан,  
Элим хабар сўрмас ҳолдан,  
Отинг барин Эрон, фироқ.



Уқсиз колди қўлда ёйим,  
Ботди менинг куним-ойим.  
Қўлламасанг сен, худойим,  
Қилар мени қурбон, фироқ.

Махтумқули, зор-зор йиглаб,  
Жигарини ўтга доглаб,  
У Мангли ёрминч чоглаб,  
Ҳар кун чекди афгон, фироқ.

•

## ҚОЛМАС-О

Кўрсам дилбар, жамолинг, ихтиёрим қолмас-о,  
Кўрмас эрсам бир муддат, ҳеч қарорим  
қолмас-о,

Висолинг умидига эътиборим қолмас-о,  
Бўлмаса васл умиди, куч-мадорим қолмас-о!

Гар иноят бўлмаса, очилгайми йўлимиз,  
Доимо бўлмас кушод бу тутқун иқболимиз,  
Жабр ила бемор бўлиб, ошифтадир ҳолимиз.  
Раҳм этиб сен сўрмасанг, бошқа ёрим қолмас-о!

Ҳасратингда қолмишман, ожиз-ғариб банда мен,  
Фарқини билмам ўзим, айвон ё вайронда мен,  
Кимса фаҳм этмас дардим, бўлмишман  
дармонда мен,

Соғинар ўлмай туриб, танда жоним қолмас-о!

Гўё байтулаҳзандир<sup>1</sup>, шод келган ғамнок  
бўлар,

То ҳаётман дунёда, сийнам сен деб чок бўлар,  
Суратим сурат бўлмай, устухоним хок бўлар,  
Улганда рўзи маҳшар, оҳи зорим қолмас-о!

Гарчи бу Махтумқули, мойили нафси ҳаво,  
Борлигинг ҳақи учун ҳожатим қилгил раво.  
Ҳожатим мандан раво, бўлмас эрса муддао.  
Бундан маълумдирки, ҳеч ғамгузорим қолмас-о!

<sup>1</sup> Байтулаҳзан — қайғу уйи.

## ЭЛИНГНИ

Кел кўнгил, мен сенга ўгит берайин;  
Яироқ қилма кўрар кўзинг—элингни.  
Қимматин кеткизма, ўрида сўзла,  
Раво кўрма ҳар нокаста тилингни.

Бир сўз десанг, ўйла аввал ошоғни<sup>1</sup>,  
Ҳурматлагин гўзал элинг ушогни<sup>2</sup>,  
Ечиб қўйма, маҳкам боғла белбоғинг,  
Керак бўлур, яхши сақла белингни.

Чақирмаган жойда кўринма, борма.  
Одамсан, сўфининг юзини кўрма,  
Фикр-зикринг дунё молига берма,  
Қорўнга ўхшатма асло феълингни.

Сўзига бер жавоб ҳар ким сўраса,  
Узингни узоқ тут номард йўрсиса<sup>3</sup>.  
Бир мискин телмуриб, йиглаб қараса,  
Баҳолама, текин бергин молингни.

Қўрқма номардларнинг кўп деб  
сонидан,  
Қора кўрса, бари кечар жонидан,

---

<sup>1</sup> Ошоқ — кети, оқибати.

<sup>2</sup> Ушоқ — кичкина боласин.

<sup>3</sup> Яқинлашса.

Йўлин топсанг ўтма сира ёнидан,  
Бахиллардан йироқ айла йўлигини.

Ақллилар кўпдир, ақл ишлатган оз,  
Тотма шароб, оздиради шароб боз,  
Мард кўнлида доим баҳор билан ёз,  
Мажнун дарё ичра солма солигини.

Махтумқули, ақлим бошимдан ўчди,  
Иқболим гўбандир, давлатим кўчди,  
Пир-қозилар лора сўраб қўл очди,  
Ҳаром қилғил, аммо берма пулигини!

## ТАРҚАДИ

Эй дўстларим, фалак зўлмлар айлаб  
Бозоримдан заррин моллар тарқади,  
Фалак ғазаб қилиб, бош айлантириб,  
Кўнгил ичра бор хаёллар тарқади.

Кезар бўлдим эл ичида сон бўлиб,  
Қимматдан тушибман, дардга хўн бўлиб,  
Бедавлат, ароқхўр элга хон бўлиб,  
Жабр қилди, гўзап эллар тарқади.

Ғафлат уйқусининг бандида кўзлар,  
Уялар эл-кундан қимматсиз сўзлар,  
Қишда каврўз келди, қиш бўлди ёзлар,  
Деҳистондан келган еллар тарқади.

Махтумқули, юрагимда дард қолди,  
Дард устидан фалак назарин солди.  
Иқбол чўкди, кўнгил тамга гарқ бўлди,  
Унинг билан барча соллар тарқади.

## ДАРД

Ақл, кўз ҳам иқбол, имон тўртиси —  
Жудо бўлса, дармон надир, дард надир.  
Эр йигитнинг бўлмас юзда пардаси,  
Иқбол чўкса, номард надир, мард  
надир.

Яхши дардга тушар, йиғлар ёмонга,  
Номард қора кўрса, келар омонга.  
Насиб айлаб, минса югурук саманга,  
Таниёлмас олди надир, орт надир.

Номард шошар кўрган элга бош бўлса,  
Айбин очар, ўз элидан тош бўлса,  
Сархуш бўлган мард йигитга дуч бўлса  
Солар ҳилич, учи надир, тўрт надир.

Рустам, Зол от солди отланиб отин,  
На зиёд иш этти, айтинг, гайратин,  
Йўлбарс газабланиб, урса ҳайбатин,  
Турь билмас, арслон надир, гўрт надир.

Махтумқупи, айланар фаләкиниг чархи,  
Биларсан шу замон дуч келган нархни,  
Номардниг нәздида йўқ элиниг  
фарқи—  
Феълин кўзлар, макон надир, юрт  
надир.

## АНГЛАМАС

Ҳинди жудо бўлса ҳамроҳи — филдан,  
Утган кунин, борган йўлни англамас.  
Қорун айри тушса туғма феълдан,  
Кўзи тўймас, дунё молни англамас.

Оқсоқ якка қолса, таёқсиз қолса,  
Йўл тополмас қори<sup>1</sup> ҳамроҳсиз бўлса,  
Мард ёнганда тоққа оғриғин солса,  
Қора тошин, туман, селин англамас.

Кетмайди ўнгидан ажал всари,  
Оёқ-қўл англамас, дуч келса сари,  
Ёнар-куяр одам ўғли, дигари —  
На шайтон, на эран феълни англамас.

Чорасиз ошиқдир—ёр узоқ бўлса,  
Юрак ёниб, сўқир кўздан ёш келса,  
Мард ёнида Жамшид унга дуч келса,  
Искандару Рўстам, Золни англамас.

Иқбол чўкса, икки кўзи бекилар,  
Хайрли дея ўйлаган йўл ёпилар.  
Мард кўнглида ёлғиз нуқсон топилар —  
Солар қилич, соғу сўлни англамас.

---

<sup>1</sup> Кўр маъносида.



Махтумқули, тилга дoston кетирдим,  
Ҳасрат билан куним, ойим ўтирдим<sup>1</sup>,  
Арзи ҳолим арзимонга етирдим,  
Утар-кетар, ойин-йиллик англамас.

---

<sup>1</sup> Утирдим — ўтказдим.

## БАХТИМ ҚОРАДИР

Бу не бало, бу не ҳасрат, не ғавго,  
Раҳм этган бўлмади, бахтим қорадир,  
Нолмиш этсам, арзим етмас ҳудога,  
Раҳм этган бўлмади, бахтим қорадир.

Фалак дўст бўлибдир ола кўз билан,  
Дардимни тингләмас, айтсам сўз билан,  
Элимни дуч қилди тоғу туз<sup>1</sup> билан,  
Раҳм этган бўлмади, бахтим қорадир.

Гўрўғлидек ғайратимдан айрилдим,  
Қартайибман, қувватимдан айрилдим,  
Икки кўзим — зурриётимдан айрилдим,  
Раҳм этган бўлмади, бахтим қорадир.

Шому саҳар ётопмайман фароғат,  
Юрагим толпинар, кўнгил бетоқат,  
Казбам<sup>2</sup>, қиблам<sup>3</sup>, оғам бўлдилар вафот,  
Раҳм этган бўлмади, бахтим қорадир.

Фалакка дуч келган қочиб қутулмас,  
Тортар ўқни одам ўғли, отилмас,

---

<sup>1</sup> Туз — текислик, саҳро.

<sup>2, 3</sup> Бу ўринда, ота-она маъносига.

Якка эринг оти асло айтилмас,  
Раҳм этган бўлмади, бахтим қорадир.

Тенгу тўшим ҳар бир корга бўлошди<sup>1</sup>,  
Дўстлар йироқ түшди, ҳижрон талашди,  
Ихлосим, муродим ғамга улашди,  
Раҳм этган бўлмади, бахтим қорадир.

Бошимга шўм фалак ҳар кун сурканар,  
Ёлғиз қолган ғавда кимга суянар,  
Ёмонлар кўзига азиз кўринар,  
Раҳм этган бўлмади, бахтим қорадир.

Сарбоним адашди, тарқади молим,  
Иқболим каж экан, қочди хаёлим,  
Олтишга азм қартайган солим,  
Раҳм этган бўлмади, бахтим қорадир.

Ғамга эрким бердим, ҳушим  
тарқатдим,

Сарой зайрон, карвонимни учратдим,  
Менглихоним, ишқ савдосини ўнутдим,  
Раҳм этган бўлмади, бахтим қорадир.

Бу дунё кўпларга бепоен бўлди,  
Ғариб қўлни ёйди, қуруқ сон бўлди,  
Номардлар мард бўлди, элга хон  
бўлди,  
Раҳм этган бўлмади, бахтим қорадир.

Оҳ, найлай, ўтказдим йигитлик чоғим,  
Дарахти қуриди, бўш қолди боғим,  
Тумани тарқалди, эриди тоғим,  
Раҳм этган бўлмади, бахтим қорадир.

---

<sup>1</sup> Бу л о ш д и — аралашди.

Маҳтумқули, бўлмас йиғлаб қарорим,  
Бўш қолди дўконим, тарқади борим,  
Оёқ ости бўлди номусим-орим,  
Раҳм этган бўлмади, бахтим қорадир.

## УТИБ БОРАДИР

Бу фоний дунёга кўнгил берганлар  
Ишми хато айлаб, ўтиб борадир,  
Қуръон очиб, не ҳикоят кўрганлар  
Иқболни бир пулга сотиб борадир.

Жафоси кўп фоний ёлгончи жаҳон,  
Мард кўнглида тутар бўлди у макон,  
Исо англаб, Луқмон қилмас ҳеч  
дирмон,  
Кўз юмиб, туш билан ўтиб борадир.

Кимлар бу жаҳонда эркига етмиш,  
Ким осмонга ўчиб, ким лойга ботмиш,  
Кимсалар молини қайга узатмиш,  
Кимлар ҳирси дунё тўтиб борадир.

Ғавгодан тинмади кўзларнинг боши,  
Кимнинг ёнар бўлди падар, қардоши,  
Кимсалар ҳар жойда тайёрлаб ошини,  
Кимсалар кўзгалмай, ётиб борадир.

Кимлар тожу тахтда фармонлар битиб,  
Кимлар саман миниб, йўлларни ўтиб,  
Кимлар падарини, элин хор этиб,  
Ғуноҳ эиндонига ботиб борадир.

Кимсаларнинг чиқмас аялаган зор,  
Кимларнинг туташиб жонида нори<sup>1</sup>,  
Кимларнинг боғида битмиш анори,  
Ҳар тикан танига ботиб борадир.

Кимлар доим сўрар бўлди давронни,  
Кимлар ўзин билмай ўнугар жаҳонни,  
Кимсаларнинг доим дўзах макони,  
Кимсалар беҳиштга етиб борадир.

Кимсалар бош қўшар ажаб жононга,  
Кимса хотин истаб, ўт солар жонга,  
Кимсалар кўз тўтиб у ганжунинг,  
Дину имонини сотиб борадир.

Кимсаларга бермас у икки кўзни,  
Кимса боқлай олмас сўзласа сўзини,  
Кимсаларнинг ажаб эмишдир юзи,  
Кимсалар юзини ўртиб борадир.

Кимнинг алам билан оғибдир соли,  
Кимларни банд этмиш гўзал хаёли,  
Кимсалар умрида тотмаган болни,  
Кимлар заҳар-заққум ютиб борадир.

Кимсалар ҳақ демас, хатога дўнар<sup>2</sup>,  
Кимсалар учишар, анчалар қўнар,  
Нечалар фарзанди—зурриёти ўнар,  
Анчалар бефарзанд ўтиб борадир.

Кимлар бу дунёда иқбол отмишдир,  
Кимса қилган ниятига етмишдир,

---

<sup>1</sup> Н о р — олов.

<sup>2</sup> Д ў н а р — юз ўғирар.

Кимса ҳақни чарлаб, янглаб ётмишдир,  
Кимса бу дунёни ёритиб борадир.

Кимлар ожиз жонни мол учун ёқиб,  
Кимлар кетмиш ватанини тарк этиб,  
Кимлар элу дин — имонни унутиб,  
Кимлар уин қойим<sup>1</sup>, тўтиб борадир.

Махтумқули, кимса даштларда сарбон<sup>2</sup>  
Кимса айлар бўлди золимдек фармон,  
Кимлар бу дунёда айлаб кўп армон,  
Кимлар хандон бўлиб, ўтиб борадир.

---

<sup>1</sup> Қ о й и м — маҳкам, қаттиқ.

<sup>2</sup> С а р б о н — туякаш.

## КУНЛАРИМ

Тўққиз ой ётмишман онам қорнида,  
Кўз очиб, дунёга тушган кунларим,  
Ҳетапоя бўлдим онам кўлида,  
Илк бор кулсам, онам қучган  
кунларим.

Биримда билмадим яхши-ёмонни,  
Иккимда танидим отам-онамни,  
Уч ёшимда тангри берди забонни,  
Тўрт ёшимда тош отишган  
кунларим.

Бешимни ўтказдим баҳор-ёз билан,  
Олти ёшда қувалашдим соз билан,  
Етти ёшда ишим бўлмас қиз билан,  
Саккизимда тишим тушган кунларим.

Тўққизимда бердим тангри саломни,  
Унимда, бўйимда ҳақнинг каломни,  
Ун биримда тутдим довод-қаламни,  
Уқиб-ўқиб маъни сочган кунларим.

Ун иккимдан ўтдим ўн уч ёшимга,  
Ун тўртимда асар урди бошимга,



Ун бешимда қизлар кирди тушимга,  
Ун олтимда қайнаб-жўшган  
кунларим.

Янгирмада мастон-мастон кезардим,  
Янгирма бешда ёз учун ўқ узардим,  
Уттизимда отлар миниб ўзардим,  
Уттиз бешда терс урушган  
кунларим.

Қирқимда қуйилиб косам  
тўлмишам,  
Элликда қўлимга тасбеҳ олмишам,  
Олтмишимда пирга мурид  
бўлмишам,  
Пайгамбар ёшин яшаган кунларим.

Етмишимда оғриқ келди тиззамга,  
Саксонимда губор тушди кўзимга,  
Тўқсонимда ҳуш қолмади ўзимга,  
Ақл-ҳушдан жудо тушган кунларим.

Юз ёшга етарсан, оларлар жонинг,  
Узатиб қўярлар, бичарлар тўнинг,  
Махтумқули, ҳамроҳ бўлсин  
имонинг,  
Жон жасаддан айри тушган  
кунларим.

## ЛУҒАТ

- Абдулла** — Махтумқулининг акаси.
- Алли** — [Алли] — туркмен халқининг қадимги қабилаларидан бирининг номи.
- Аркыч** — Копетдоғнинг шимолий этекларида яшавган аҳоли.
- Атрак** — Туркманистондаги бир дарё.
- Гүркүз** — Гүкланг қабиласи улуғларидан бирининг номи.
- Жайхун** — Амударё.
- Жамшид** — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи. Афсонага кўра, Жамшид ҳукмронлиги даврида кишилар бахтли ҳаёт кечирганлар, касаллик ва ўлимни билмаганлар. Кибрланиб кетган Жамшид тахтдан ажралади ва оғир азобда ўлади.
- Зол** — қадимги эрон эпосининг қаҳрамони, Рустамнинг отаси.
- Зулфиқор** — Алининг афсонавий қиличи.
- Қоф** — Ер шарини ҳалқа шаклида ўраб олган афсонавий тоғ. Баъзан Қоф тоғи Кавказ тоғи ўрнида тасаввур этилади.
- Кавсар** — мусулмонлар тушунчасича, жаннатда оқадиган ариқ.
- Қизилбош** — салла ўралган, қизил қалпоқдан олинган; дастлаб 1501 йилда Эронда давлатни ўз

қўлига олган сафавийларни қуawatлагани учун  
ша мазҳабдаги мусулмонлар бу ном билан  
аталадиган бўлди.

**Қорун** — баҳиллиги учун қарғишга учраган ва бутун  
мол-мўлки билан ер ютган афсонавий бой.

**Қулон** — ёввойи эшак.

**Қулзум** — ҳозирги Сувайш яқинидаги Қизил денгиз  
бўйидаги порт; кўчма маъноси — Қизил денгиз.

**Мансур** — мусулмон мистиги, руҳонийлар фатвоси  
билан 922 йилда Бағдодда дорга осилган.

**Менгли** — Махтумқули севган қизнинг исми.

**Миррих** — Марс.

**Мозандарон** — Эроннинг Каспий денгизи бўйида-  
ги вилоятларидан бири.

**Насимий** — ширвонлик атоқли шоир, мусулмон ру-  
ҳонийларининг фатвоси билан 1417 йилда ўлдир-  
рилган.

**Нор** — яқка ўрқачли туя. Одатда кучли ва бўйсунмас  
кишиларни унга ўхшатадилар.

**Сафо** — Махтумқулининг акаси. Душманларга қарши  
олиб борилган жанглардан бирида дом-дараксиз  
кетган.

**Сўна** — ўрдак [суқлар]; хотин-қиз исми; гўзал хотин-  
қиз тинсоли.

**Турон** — эронликлар Эроннинг шимоли-шарқий то-  
монидаги мамлакатларини шу ном билан ата-  
ганлар.

**Хазон** — шимолий шамол, кузги кучли шамол [ха-  
зон ели] — одатда тўсатдан бўладиган бахтсизлик  
ва бошқаларни унга ўхшатадилар.

**Чин-Мочин** — Узоқ Шарқ, Хитой, Шарқий Туркис-  
тон Ҳинди-Хитой мамлакатлари.

**Шом** — Сурия.

**Эрам** — афсонавий бог.

**Эран** — руҳоний, донишманд.

## МУНДАРИЖА

Райгон айлади . . . . .	5
Найлайин . . . . .	7
Боглар, ҳэй! . . . . .	8
Келмади . . . . .	9
Озодим қани? . . . . .	11
Изламайин бўларми? . . . . .	13
Бу дәрди . . . . .	14
Намасан . . . . .	15
Кўрдингми . . . . .	16
Юргинг келади . . . . .	18
Армоним . . . . .	20
Ошиқ бўлмишам . . . . .	21
Бўлдим . . . . .	23
Бўлди . . . . .	25
Бўлдим анди . . . . .	26
Дилбарнинг . . . . .	28
Эй, дўст . . . . .	30
Кетсанг . . . . .	31
Тўғриси . . . . .	33
Ҳаё . . . . .	35
Бўйларингга . . . . .	36
Керакмас . . . . .	37
Борми, ёронлар? . . . . .	39
Фигоним бор . . . . .	41

Айрилдим . . . . .	43
Ё жаббор . . . . .	45
Бўлмаса . . . . .	47
Қарамас . . . . .	48
Чиқадир . . . . .	50
Чилим . . . . .	51
Эй, носкаш . . . . .	53
Қон чиқар . . . . .	55
Бўлмаса . . . . .	56
Келгай . . . . .	58
Етмас . . . . .	60
Бўлар . . . . .	62
Топилмаса . . . . .	63
Кечди замона . . . . .	64
Қоча бошлади . . . . .	66
Билинмас . . . . .	68
Ой-кунингиз ботмоққа . . . . .	70
Бошлади . . . . .	72
Йиғларман . . . . .	74
Ундиради . . . . .	76
Дўнар . . . . .	77
Ёмғир ёғдир, султоним! . . . . .	79
Сангги Тоғи . . . . .	81
Бўларми . . . . .	83
Энди . . . . .	84
Бечораман . . . . .	86
Туркман биноти . . . . .	87
Фаттоҳ . . . . .	89
Туркманнинг . . . . .	90
Тепа надир, дашт надир . . . . .	92
Йўлиқса . . . . .	94
Кўз кўрмаган. ерда . . . . .	95
Айлар . . . . .	97
Кўринг . . . . .	98
Устида . . . . .	100

Сарф қилади ошини . . . . .	102
Билмадим . . . . .	103
Бўлар . . . . .	105
Жўш келса . . . . .	106
Бўлма . . . . .	108
Бўлмас . . . . .	112
Синдирар . . . . .	113
«Етмиш ёшли» . . . . .	114
Элин кўзлар . . . . .	115
Дунё . . . . .	117
Бўларсан . . . . .	119
Тўхтамас . . . . .	121
Зорлар ичиде . . . . .	123
Абдулла . . . . .	124
Қариликдир, ёронлар . . . . .	126
Эл яхши . . . . .	128
Бормиш . . . . .	129
Савол-жавоб . . . . .	131
Дўнди . . . . .	133
Дастингдан . . . . .	136
Фироқ . . . . .	137
Қолмас-о . . . . .	139
Элингни . . . . .	140
Тарқеди . . . . .	142
Дард . . . . .	143
Англамас . . . . .	145
Бахтим қорадир . . . . .	147
Утиб борадир . . . . .	150
Кунларим . . . . .	153
Луғат . . . . .	155

На узбекском языке

**МАХТУМКУЛИ**  
**Избранное**

Издательство ЦК Компартии Узбекистана  
Ташкент — 1976

Редактор Ж. Жабборов  
Техредактор Г. Ломиворогова  
Корректор М. Хожиматова

Терешга берилди 20/XI-75 й. Босишга рухсат этилди  
31/V-76 й. Қоғоз формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Восма листи 5,44.  
Шартли босма листи 8,38. Нашриёт ҳисоб листи 4,16.  
Тиражи 150000. Нашр. № 109. Зак. 3878.  
Баҳоси: силлиқ ялтироқ қоғозда босилгани 1 сўм 06 ти-  
вин, 1-қоғозда босилгани 91 тивин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг  
Меҳнат Қизил Вайроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент,  
«Правда Востока» кўчаси, уй № 26.